БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 йил чиқиши

№ 102 (3074).

28 май

ЖУМА

1965 йил

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 майда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVII пленуми бўлди. Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Н. М. Матчоновнинг «КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленуми қарорлари асосида республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисидаги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Докладни муҳокама қилишда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳайдаров, Тошкент область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Маҳмудов, Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари В. К. Доленко, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Шамсуддинов, Қашқадарё область партия комитетининг иккинчи секретари А. М. Илюхин, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Н. Ж. Худойбердиев, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Муродов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев, «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси И. В. Бабков, Самарқанд область ижроия комитетининг раиси А. А. Хўжаев, республика Госплани раиси С. К. Зиёдуллаев, Ўзбекистон касаба союзлари советининг раиси М. А. Зондов, Ўзбекистон ССР молия министри В. М. Муродхўжаев қатнашдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.

Пленумнинг ишида КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитети секторининг мудири С. М. Веселов, КПСС Марказий Комитети партия органлари бўлимининг инструктори М. Я. Назаров қатнашди.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенг қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

27 май куни эрталаб соат 10 да республика Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР олтинчи чақириқ Олий Советининг бешинчи сессияси очилди.

Раис столи ёнида — Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат О. Содиқов, Олий Совет Раисининг ўринбосарлари депутатлар: П. Ержонова, В. И. Коваль, Ф. Д. Уринбоева, А. Р. Хўжаев ўтиришибди.

Республика Олий Совети сессиянинг қуйидаги кун тартибини бир овоздан тасдиқлади:

1. КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумининг қарорлари асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва мол туёғини ошириш чоралари тўғрисида.

(Масалани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети киритган).

2. Ўзбекистон ССР шаҳарлари, район марказлари, шаҳар посёлкалари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларини қуриш ва ободонлаштиришни яхшилаш чоралари тўғрисида.

(Масалани Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми киритган).

3. Ўзбекистон ССР 1964 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида ҳисобот.

(Масалани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети киритган).

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш.

(Масалани Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми киритган).

Сессиянинг иш тартиби ҳам бир овоздан тасдиқланади.

Олий Совет ўзининг шу мажлисида кун тартибидаги биринчи масалани қараб чиқишга киришди. «КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумининг қарорлари асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва мол туёғини ошириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц доклад қилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи Доимий комиссиясининг қўшимча доклади ҳам тингланди. Бу тўғрида шу комиссиянинг раиси депутат А. Ҳайдаров сўзга чиқди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан бошланган музокараларда депутатлардан И. Жалилов, (402-Посёлка сайлов округи), П. М. Тимофеев (229-Қайқи сайлов округи), Б. Р. Раҳимов (380-Ленин сайлов округи), С. Ҳамроева (289-Қўшработ сайлов округи), А. Н. Ступников (334-Охунбобоев сайлов округи), Х. Сандаҳмедов (410-Пўлати сайлов округи), Е. Ортиқбоев (371-Жданов сайлов округи), А. И. Руцкий (81-Намданак сайлов округи), Ғ. Абдуллаев (96-Қатортол сайлов округи) қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

* * *

Кундузи соат 3 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси бошланди.

Олий Совет кун тартибидаги иккинчи масалани — «Ўзбекистон ССР шаҳарлари, район марказлари, шаҳар посёлкалари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларини қуриш ва ободонлаштиришни яхшилаш тўғрисида»ги масалани қараб чиқишга ўтиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат Е. С. Насриддиновнинг докладини тинглади. Олий Совет Қурилиш доимий комиссиясининг раиси депутат В. С. Скребнев билан Олий Совет Коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш доимий комиссиясининг раиси депутат С. Р. Расулов қўшимча доклад қилдилар.

Мажлисда кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан музокаралар бошланди. Фарғона область ижроия комитетининг раиси М. И. Иброҳимов, депутат М. З. Мирзаахмедов (332-Когон шаҳар сайлов округи) нутқ сўзладилар.

Олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси 28 майда ўз ишини давом эттиради.

КПСС МК МАРТ (1965 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шуни қайд қиладики, қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми белгилаб берган йўллар бутун совет халқининг туб манфаатларига муносибдир. Бу йўллар мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада ривожлантириш учун кенг истиқболлар очиб беради. Бу эса коммунистик жамият қурилишининг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетининг март Пленумининг хулосаларини тамомила тўғри деб ҳисоблайди. Бу хулосаларда кўрсатилганидек, қишлоқ хўжалиги орқада қолаётганлигининг асосий сабаблари шундан иборат бўлдики, социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий қонунлари, колхозчиларни ва совхозларнинг ишчиларини жамоат хўжалигини юксалтиришдан моддий манфаатдор қилиш, иқтисодий манфаатларни шахсий манфаатларга тўғри қўшиб олиб бориш принциплари бузилди, бунга раҳбарликдаги субъективизмнинг каср ҳам ачигина урди, бу эса қишлоқ хўжалигини планлаштиришда, маблағ ва кредит билан таъминлашда, нархлар белгилаш сиёсатида ва маҳсулот тайёрлашни ташкил этишда хатоларга, раҳбарлик органларини асоссиз равишда қайта қуришларга ва бунинг натижасида ишда масъулиятсизлик ва асабийлик вазияти туғилишига олиб келди.

КПСС Марказий Комитети март Пенумининг қарорлари муносабати билан республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги камчиликлар ҳам жуда яққол кўриниб турибди. Кейинги йилларда пахта етиштириш анча ортганига қарамай, етти йиллик план топшириги бажарилмади. Чорвачилик, сабзавотчилик ва полизчилик, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришда жиддий суратда орқада қолинмоқда. Сув хўжалиги қурилиши суръатлари етти йиллик план топшириқларидан кейинда қолмоқда, янги ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш плани бажарилмади, катта-катта майдонларнинг мелиорация ҳолати кўнгилдагидек эмас.

Фан ютуқлари ва илғор практикадан суст фойдаланилди, деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун зарур тадбирлар етарли даражада амалга оширилмади. Бедачиликка жиддий путур етказилди ва кўп жойда алмашлаб экишнинг бузилишига йўл қўйилди.

Кўп хўжаликларда техникадан қониқарсиз фойдаланилмоқда, минерал ўғитлардан юксак даражада самарали фойдаланилмаётир. меҳнат ва меҳнатга ҳақ тўлаш яхши уюштирилган эмас, экономика масалаларига ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришга тегишинча эътибор берилмаётир. Кўп колхозлар ҳали ҳам иқтисодий жиҳатдан заиф, совхозларнинг анчагина қисми эса зарар кўраётган хўжаликлар бўлиб қолмоқда.

Кўпгина партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларининг паст савияда бўлиши, қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ташкилотчилик ва снёсий ишнинг суслиги ҳам республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги жиддий камчиликларга сабаб бўлмоқда. Бир қанча районларда колхоз ва совхозларни раҳбар кадрлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлашга, кадрларни топширилган иш учун юксак жавобгарлик руҳида тарбиялашга етарли эътибор берилмади. Баъзи колхозларда ишни бошқаришнинг демократик асослари ва қишлоқ хўжалик артели Устави қўпол равишда бузилди. Ернинг талон-торож қилиниши ва жамоат мулкининг ўғирланишига йўл қўйилди.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари билан қуролланган республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган хатоларни қисқа вақт ичида тузатиш учун ҳозирги вақтда барча имкониятларга эгадир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми мамнуният билан шуни қайд қиладики, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошириш юзасидан қабул қилган қарорларида 1966—1970 йилларда давлатга дон, пахта, ғўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишнинг қатъий планларини белгиладилар, тайёрлаш системасини яхшилаш, қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағларни анча кўпайтириш, колхоз ва совхозларни тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, транспорт воситалари, ер қазиш техникаси ва минерал ўғитлар билан таъминлаш, колхоз ва совхозларнинг деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштириб давлатга сотишдан моддий манфаатдорлигини ошириш чораларини кўрсатиб бердилар. Колхозларга молиявий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатилди. Давлат банки берган ссудалардан қолган қарзлар кечиб юборилди, колхозлардан олинадиган даромад солигининг ҳажми тенг баравар камайтирилди ва даромад солиги солишда янги тартиб белгиланди. Совхозларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига ҳақ тўлаш системаси ўзгартирилди, ерлари совхозлар ихтиёрига топширилган колхозларнинг собиқ аъзоларини пенсия билан таъминлаш масалалари ҳал этилди.

Ўзбекистон колхозчилари, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари, барча меҳнаткашлари мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан партия белгилаган тадбирларни якдиллик билан маъқулладилар ва қизғин қўллаб-қувватладилар. Улар Пленумнинг қарорларини, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорларни совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш тўғрисида партия ва ҳукумат тинмай ғамхўрлик кўлаётганликларини исбот этувчи ёрқин далил деб биладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари давлатнинг ёрдамидан тўғри ва самарали фойдаланиш билан бирга, ҳар бир хўжаликнинг барча ички резервлари ва имкониятларини пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга сафарбар қилишни ҳам талаб этади, деб ҳисоблайди.

Республика бутун партия ташкилотининг, барча меҳнаткашларининг куч-ғайрати коммунистик қурилишнинг КПСС Марказий Комитети Пленуми олдимизга қўйган ҳаётий муҳим вазифасини — колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини юксалтириш вазифасини бажаришга қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади:

1. Республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область партия комитетлари билан, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари билан биргаликда ишлаб чиққан тадбирлар маъқуллансин. Бу тадбирлар

Ўзбекистон КП Марказий Комитети XVII пленумининг 1965 йил 26 майда қабул қилган қарори

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1966 — 1970 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш плани тўғрисида» 1965 йил 1 апрелда қабул қилган 264 сон қарори» юзасидан 1965 йил 21 майда қабул қилган 332 сон қарорида баён қилинган.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органларига, республика Госпланига, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, министрликлар ва бошқармалар, колхоз, совхозлар, саноат корхоналари ва қурилишларнинг раҳбарларига ана шу тадбирларни бажариш соҳасида зарур ташкилотчилик ва снёсий иш олиб бориш топширилсин.

2. Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, республиканинг планлаштирувчи органлари ва қишлоқ хўжалик органларига пахта, каноп, тамаки, сабзавот-полиз маҳсулотлари ва картошка, чорва ва парранда, сут, тухум, жун, пилла, қоракўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келгуси беш йилликнинг йиллари бўйича харид қилишнинг қатъий планларини бир ой ичида ишлаб чиқиш ва районларга, районларда эса ҳар бир колхоз ва совхозга етказиш топширилсин. Бунда республика колхоз ва совхозларининг давлатга план бўйича сотиладиган пахта миқдорини 1970 йилга бориб 4 миллион 180 минг тоннага, луб экинлари поясини 290 минг тоннага, тамакини 8000 тоннага, дон экинларини 286 минг тоннага (шу жумладан шолини 220 минг тоннага), сабзавот ва полиз экинларини 856 минг тоннага, картошкани 136 минг тоннага, ҳўл мева ва узумни 291 минг тоннага, пиллани 17.500 тоннага, ғўштни 205 минг тоннага, сутни 400 минг тоннага, тухумни 310 миллион донага, жунни 22.000 тоннага етказишлари, шунингдек давлатга қуруқ мева, хом тери ва мўйна сотишни кўпайтириш лозим эканлиги кўзда тутилсин.

1966 — 1970 йилларга мўлжалланган қатъий планлар колхоз ва совхозларга етказилаётган пайтда ҳар бир хўжаликка пахта, табақалаштирилган тарзда ёндошиш, бу хўжаликнинг тупроқ шароитлари ва экономикасини, ишлаб чиқариш имкониятларини, эришган даражасини ва ривожланиш истиқболларини, хўжаликнинг ихтисослаштирилганлигини, унинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва колхозчиларнинг шахсий талабларини қондириш учун маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини эътиборга олиш таъминлансин.

1966 — 1970 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш юзасидан колхоз ва совхозларга етказилган давлат планлари асосида жамоат хўжалигининг ҳар бир тармоғини ривожлантириш перспектив планларини ишлаб чиқишда, экин майдонлари ва алмашлаб экишнинг энг самарали структурасини белгилашда, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда колхоз ва совхозларга малакали ёрдам кўрсатилсин.

3. Партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларига, колхоз ҳамда совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига деҳқончилик маданиятини кескин суратда юксалтириш, суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан, сув ресурсларидан ва ўғитлардан энг самарали фойдаланиш, алмашлаб экишни тез ўзлаштириш, уруғчилик ишини ва қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари ҳамда касалликлардан ҳосилни ҳимоя қилиш ишини яхшилаш чораларини кўриш топширилсин.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги барча қишлоқ меҳнаткашларининг эътиборн пахтанинг барвақт пишиб етилиши билан мўл ҳосил олишишни таъминлайдиган агротехниканинг прогрессив усулларини қўлланишга, комплекс механизациялашни ривожлантиришга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бирлигини етиштириш учун меҳнат ва маблағ сарфини камайтиришга, бедачилик хўжалигини тиклашга қаратилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми пахта йиғим-теримини механизациялаштиришни бутун чоралар билан кенгайтириш — республика партия ташкилотининг пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Беш йиллиннинг охирига бориб камида 2,5 миллион тонна, ёки бутун ҳосилнинг қариб учдан икки қисмини машинада териб олиш лозим. Бу вазифани ҳал этишда шу йилнинг ўзидаёқ катта қадам қўйилиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ техникани, кадрларни тайёрлаш ишларини қизитиб юбориш, ғўзани машина терими талабларига мослаб парвариш қилишни таъминлаш зарур, токи 1965 йилда камида 1 миллион тонна пахтани машина билан териш юзасидан олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилиши таъмянлансин. Шу билан бирга, машинада пахта териш вақтида биринчи сорт пахта салмонини максимал даражада кўпайтириш чораларини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш лозим.

4. КПСС Марказий Комитета март Пленумининг қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш галдаги вазифаларни ўз вақтида ва пухта ҳал этишга ҳамда шу йилги планларни бажаришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг эътиборини шунга жалб этиб, область ва район партия комитетларидан, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советидан, область ва район ижроия комитетларидан, Қишлоқ хўжалик министрлигидан, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органларидан, «Узсадвинконсерв» Давлат комитетидан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларидан қишлоқ меҳнаткашларининг бутун куч-ғайратини, колхоз ва совхозларнинг барча имкониятларини барча далмякор экинлар экиш планини тезликда бажаришга, ғўза қатор ораларини ишлаш, ғўзани озиқлантириш ва суғориш, барча қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш суръатларини кучайтириш ва сифатини яхшилашга сафарбар қилишни, ҳар бир область, ҳар бир районнинг, колхоз ва совхозларнинг пахта, дон, сабзавот-полиз экинлари, пилла, ғўшт, сут, қоракўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан 1965 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни бажаришларини таъминлашни талаб қилади.

5. Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларидан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларидан халқимизнинг энг қимматли бойлиги бўлган сувни мақсадга мувофиқ тежаб ишлатишга эътиборни кескин суратда кучайтириш талаб қилинсин. Интизомни кескин суратда мустаҳкамлаш, сувдан фойдаланишда унинг нобуд бўлиши ва исроф қилинишига йўл қўймаслик керак. Бу ҳол экинларнинг қуриб қолишига, ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланишига, пахта ҳосилдорлигининг камайиб кетишига ва унинг кеч пишиб етилишига олиб келади.

Бу йил сув танқис бўлган бир шароитда сувдан фойдаланиш графигини ишлаб чиқиш ва унга қаттиқ риоя қилишга, кечаю-кундуз суғориш учун зарур барча шарт-шароитларни вужудга келтиришга алоҳида эътибор бериш керак.

6. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органларига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишни яхшилаш ва уни асраши, техникадан тўғри фойдаланиш ва уни яхши сақлаш учун инженер-техник ходимларнинг, барча механизаторларнинг жавобгарлигини ошириши, бу ишда уларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириши, колхоз ва совхозлардаги машина-трактор паркига техника хизматини яхшилаши топширади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги барча процессларни механизациялаш кучайтирилсин, механизатор кадрлар систематик равишда тайёрлаб борилсин.

Республика қишлоқ хўжалигининг ремонт базаси жиддий суратда орқада қолаётганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Госпланига, республика Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Узсельхозтехника» бирлашмасига «Узсельхозтехника» системасида, колхоз ва совхозларда ремонт заводларни ва устахоналари қуриш ҳамда уларни реконструкция қилишни, шунингдек колхоз ва совхозларнинг қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини яхши ташкил этиш чораларини келгуси беш йилликнинг ҳалқ хўжалик планида кўзда тутиш топширилсин.

7. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республикада сув хўжалигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига жуда катта эътибор бериб, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигига, «Узглавводстрой»га, сув хўжалиги қурилиши билан шуғулланувчи барча ташкилотларга, область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига ирригация иншоотлари қурилиши планини сўзсиз бажариш ва келгуси беш йилликда яна 500 минг гектардан кўпроқ суғориладиган ерни ишга солиш, қурилиш ишларининг ҳаммасини комплекс бажаришни таъминлаш ҳамда суғориладиган янги ерларни кам-кўстсиз тамомила тайёр ҳолда топшириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни топширади.

Сув омборлари қурилаётган ҳамда янги ерларни ирригация жиҳатидан тайёрлашдаги қолоқликка йўл қўйилмасин ва бу ерлар айни вақтда қишлоқ хўжалик оборотига киритилсин. Янги сув омборларининг ҳаммасини ва эскидан ҳайдаб келинаётган ерларни сув билан кўпроқ таъминловчи бошқа иншоотларнинг ўз вақтида қурилиши ва ишга туширилиши, шунингдек сувнинг тупроққа шимилиб кетиб нобуд бўлишига қарши курашиш мақсадида каналларга бетон ётқизиш ишларининг бажарилиши таъминлансин. Ернинг шўрланиши ва ботқоқланишига қарши кураш чораларини амалга оширишга, ернинг мелиорация ҳолатини тубдан яхшилашга, тик ва ёпиқ горизонтал дренаж қурилишини кенгайтиришга, ерларни яхшилаб текислашга алоҳида эътибор берилсин. Суғориш системаларидан фойдаланиш маданияти ошириласин, автоматлаштириш ва телемеханизация кенг жорий қилинсин. Хўжаликларнинг ўз ичидаги суғориш шохобчаларини қайта қуришда колхоз ва совхозларга ёрдам берилсин.

Қишлоқлардаги қурилиш ишлари қониқарсиз бораётганлигини таъкидлаб, пленум партия ва совет ташкилотларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Қурилиш министрлигига, «Узглавколхозстрой»га ва қишлоқларда қурилиш ишлари билан шуғулланувчи бошқа министрликлар ҳамда бошқармаларга республиканинг колхоз ва совхозларида ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший объектлар қуриш суръатларини жадаллаштириш учун қўшимча чоралар кўришни топширади. Қишлоқлардаги қурилиш ишларига ажратилган капитал маблағлардан тўла фойдаланишни таъминлаш учун зарур чораларнинг ҳаммаси кўрилсин.

8. Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органларига чорвачилик соҳасида асосий эътиборни чорва маҳсулдорлигини оширишнинг негизи бўлган хилма-хил ва тўйимли озуқалар билан молларни таъминлашга, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини камайтиришга қаратишни топширади.

Беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экиларини экиш ва улардан юқори ҳосил олиш планларининг бажарилишини ҳамма жойда таъминлаш, шунингдек яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш керак. Шу билан бирга наслчилик ишини, чорва молларни боқиш ва парвариш қилиш шароитларини яхшилаш, урғочи молларнинг кўплаб қисир қолиши ва молларнинг нобуд бўлишига барҳам бериш ва шу асосда чорва мол ҳамда паррандалар ҳамма турларининг умумий миқдорини ошириш планининг сўзсиз бажарилишига эришиш керак.

9. Область, шаҳар ва район партия комитетларига, республика Госпланига, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига республика саноат корхоналарининг қишлоқ хўжалиги заказларини қандай бажараётганликларини қаттиқ контроль қилиб туриш, машиналарнинг сифатини яхшилаш, уларнинг мустаҳкам бўлиб, узоқ вақт ишлашини таъминлашга эришиш, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган машиналар, асбоб-ускуналар, минерал ўғитлар, дефолиант ва десикантлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида қўшимча резерв ва имкониятларни қидириб топиш топширилсин. Машинада терилган пахтани гоят сифатли қилиб қайта ишлашни таъминлаш учун пахта заводларидаги технология машиналарини такомиллаштиришга эътибор кучайтирилсин.

Саноат, транспорт корхоналари ва қурилиш ташкилотлари колхоз ва совхозларга оталиқ йўли билан ёрдамни ҳар томонлама кучайтирсинлар.

10. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, илмий тадқиқот институтлари ва тажриба станцияларининг раҳбарлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларига илмий тадқиқот ишларининг савияси ва самаралари оширишни, илмий ходимларнинг эътиборини Ўзбекистоннинг конкрет табиий ва иқтисодий зоналарига мувофиқ бўлган агротехника ҳамда зоотехника чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг тезпишар, сифатли ва серҳосил янги навларини етиштиришга, ўғитлар, гербицидлар, дефолиантлардан ва ўсимликларни зараркунандалар ҳамда касалликлардан ҳимоя қилувчи воситаларидан самарали фойдаланиш масалаларига, хусусан пахта вилтига қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш ва электрлаштиришни янада ривожлантириш, суғориш техникаси ва ерларнинг мелиорациясини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигидаги чорва молларни урчитиш, парвариш қилиш ва боқиш, чорва мол ва паррандаларнинг энг маҳсулдор зотларини вужудга келтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш масалаларига жалб этишни топширади.

Фан ва техника ютуқлари, илғор хўжаликларнинг тажрибаларидан фойдаланишда сусткашликка қатъиян чек қўйиш зарур. Фан ва техника ютуқлари, илғор хўжаликларнинг тажрибаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир.

11. Қишлоқ хўжалик артели ишларини демократик асосда бошқариш принципларига қатъий риоя қилишга катта аҳамият бериб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига колхоз ишлаб чиқаришига таллуқли асосий масалаларни ҳал этишда колхозчиларни кенг қўламда қатнаштиришни, социалистик мулкни янада мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш, ердан фойдаланишда тартиб ўрнатиш, колхозчиларнинг иҳтимоий манфаатлари билан шахсий манфаатларини тўғри қўшиб олиб боришни таъминлашни топширади.

12. Ҳозирги вақтда партия ва ҳукумат колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини ҳеч зарар кўрмай, рентабел бошқариб бориш учун бутун шарт-шароитни вужудга келтиришликларини эътиборга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларидан, колхоз ҳамда совхозларнинг раҳбарларидан ишлаб чиқаришнинг барча звеноларида хўжалик ҳисобини амалда жорий қилишни, меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилашни, иқтисодий ишларни анча юксак даражага кўтаришни, хўжаликни уддабуронлик билан, тежаб-тергаб бошқаришга эришишни талаб этади. Иш якунларини систематик равишда таҳлил эта бориш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳамда унинг таннархини камайтириш учун барча резервлардан фойдаланиш зарур, токи ернинг ҳар гектари, ўғитларнинг ҳар бир килограмми, ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўм энг куп наф келтирсин.

13. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шуни таъкидлайдики, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан ишлаб чиққан катта иқтисодий тадбирларни ва партия ҳамда ҳукуматнинг шу тўғрида қабул қилган кейинги қарорларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумидан, Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан, область ва район партия комитетларидан, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советидан, область ва район ижроия комитетларидан колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишдаги иш услуби ва методларини яхшилашни, қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ташкилотчилик ва снёсий ишни анча юксак даражага кўтаришни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитети октябрь ва ноябрь Пленумларининг қарорларига мувофиқ, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қурилишидаги ленинча принципларнинг тикланганлиги партия ташкилотларининг ишини янада яхшилаш, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлигини кучайтириш учун зарур шароитларнинг ҳамасини вужудга келтирди.

Маъмуриятчилик, буйруқбозлик қилиш, колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг ишларига ҳадеб аралашавериш практикасини қатъиян йўқотиш, уларнинг роли ва обрўсини кўтариш, уларнинг ижодий қобиликларини рўёбга чиқаришларига имконият яратиб бериш, хўжалик-снёсий вазифаларни амалга оширишда кенг оммаларнинг актив иштирок қилишига эришиш керак.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумига ва республика Министрлар Советига, маҳаллий партия ва совет ташкилотларига партия ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини контроль қилиш ишларини кучайтиришни топширади. Партия ва давлат аппаратининг ҳамма звеноларида, иҳтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида интизомни мустаҳкамлаш, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун жавобгарлигини ошириш керак. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш иши яхшилансин.

Район партия комитетлари доим колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотларига таяниб иш кўришлари, уларнинг ролини бутун чоралар билан кучайтиришлари, омма ўртасида ташкилотчилик ва снёсий-тарбия ишларини йўлга қўйишда, социалистик мусобақани ривожлантиришда, хўжалик фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқини амалга оширишда уларга амалий ёрдам бериб туришлари зарур. Партия ташкилотлари коммунистларнинг авангардлик ролини тинмай оширишлари, қишлоқ меҳнаткашларининг малакасини юксалтириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари, илғорларнинг сафини кенгайтиришлари керак. Қишлоқ меҳнаткашларини ўз меҳнати учун иҳтиқор туйғулари руҳида тарбиялаш, уларда, хусусан ёшларда қишлоқдаги касбларга ҳавас уйғотиш зарур.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республика коммунистлари, комсомоллари ва барча меҳнаткашларини қишлоқ хўжалигини юксалтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан партия белгилаган тадбирларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратларини сарф қилишга ва бу билан мамлакат экономикасини мустаҳкамлаш, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига муносиб ҳисса қўшишга чақиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVII ПЛЕНУМИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА

КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленуми қарорлари асосида республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Н. М. МАТЧОНОВ доклади)*

Коммунизмнинг моддий техника базасини тезроқ вужудга келтириш учун партиямиз билан совет халқи олиб бораётган курашда КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми муҳим ўрин эгаллайди.

Пленум қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги катта-катта хатоларни очиб ташлади. Бу хатолар социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий қонунларини назарга олмаслик, колхоз ва совхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлашдан қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлиги принципларини бузишдан иборат бўлган эди.

Қишлоқ хўжалигини планлаштириш, маблағ билан таъминлаш ва унга кредит бериш ишида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш соҳасидаги нарх сиёсатида, шу маҳсулотларни тайёрлаш ва харид қилиш практикасида жиддий нуқсонларга йўл қўйилди.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда кўпинча маъмуриятчиликка ва ўзбилармонликка йўл қўйиб келинган эди.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш юзасидан туб чораларни ишлаб чиқди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети шу чораларни амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш системасини яхшилаш, шу маҳсулотларни давлатга сотишни планлаштириш тартибини ўзгартириш, қишлоқ хўжалигига капитал маблағ ажратишни анча кўпайтириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан бир қанча муҳим қарорлар қабул қилдилар.

Колхозларга катта молия ёрдами кўрсатилди, Давлат банки берган ссудалардан қолган қарзлар кечиб юборилди, колхозлардан олинадиган даромад солиғи деярли тенг баравар камайтирилди ва даромад солиғини ҳисоблаш тартиби ўзгартирилди.

Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини юксалтириш тўғрисида партия ва ҳукумат қилаётган бу янги ғамхўрликлар қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий активлигини ғоят кучайтириб юборди.

* * *

Ҳозир республика партия ташкилоти олдида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш ва биринчи навбатда пахта етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Келгуси беш йилликда Ўзбекистон ССР учун пахта тайёрлашнинг қуйидаги плани белгиланди: 1966 йилда 3 миллион 700 минг тонна, 1967 йилда 3 миллион 800 минг тонна, 1968 йилда 3 миллион 915 минг тонна, 1969 йилда 4 миллион 35 минг тонна ва 1970 йилда 4 миллион 180 минг тонна.

Республикада пахта етиштириш бир томондан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ва иккинчи томондан янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига кўпайтириб борилади. 1970 йилга борганда пахта ҳосилдорлиги республика бўйича ўрта ҳисобда гектар бошига 1964 йилдаги 22,6 центнер ўрнига 23,9 центнерга етказилиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Совети областларнинг таклифларини қараб чиқиб, келгуси беш йилликда пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан қуйидаги контроль рақамларни Пленум муҳокамасига қўйдилар. 1970 йилга борганда Тошкент областида пахта етиштириши 338 минг тоннага, Сирдарё областида 587 минг тоннага, Фарғона областида 540 минг тоннага, Андижон областида 830 минг тоннага, Самарқанд областида 385 минг тоннага, Бухоро областида 350 минг тоннага, Қашқадарё областида 240 минг тоннага, Сурхондарё областида 355 минг тоннага, Хоразм областида 321 минг тоннага ва Қорақалпоғистон АССРда 240 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Республикамизда пахта етиштириши юксалтириш суғориш ва мелиорацияни ривожлантириш билан, сув хўжалиги қурилишини тобора кенг кўламда олиб бориш билан узвий равишда боғланғандир.

Бу йил сув хўжалиги қурилишига капитал маблағ сарфлаш ҳажми 1964 йилдагига нисбатан 17 процент ортди. Аму — Бухоро канали, Жанубий Сурхон сув омбори, насос станцияси бўлган Шеробод канали ва бошқа иншоотларда қурилиш ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда.

Бироқ, умуман республика бўйича олганда сув хўжалиги қурилиши иншоотларида капитал маблағ сарфлаш ва қурилиш-монтаж ишлари плани бажарилмаётир. Бунинг сабаби шуки, айрим қурилишлар лойиҳа-смета ҳужжатлари, маблағлар, зарур материаллар билан таъминлаб қўйилмаган. Бир қанча иншоотларда механизмлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланилмаётир, моддий ресурслар кўп сонли қурилишларга тарқатиб юборилмоқда, ишчи кучининг анчагина қўнимсизлигига йўл қўйилмоқда.

Келгуси беш йилликда сув хўжалиги қурилишига 1 миллиард 420 миллион сўм сарфлаш, «Средазирсовхозстрой» йўли билан кўпгина маблағ сарфлаш белгилаб қўйилди. Умумий ҳажми тўрт миллиард кубометр бўлган сув омборларини қуриш ва ишга туширишни мўлжалланмоқда. Каттақўрғон, Жанубий Сурхон, Каркидон ва Косонсой сув омборларининг қувватини ошириш ишлари амалга оширилади.

Йирик сув омборлари, гидроузеллар, каналларнинг қурилиши ва мавжуд суғориш системасининг техникавий ҳолати яхшиланиши туфайли 500 минг гектардан ортиқ янги ерлар ўзлаштирилади, 900 минг гектардан ортиқ майдондаги илгаридан экин экиб келинаётган ерларнинг сув таъминоти оширилади.

Келгуси беш йилликда ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилади. Ерларни текислаш ишларини ҳам ўз ичига олган асосий мелиорация тадбирлари амалга оширилади, 434 минг гектар ерда эса вертикал зовур-қудуқ қурилади.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми янги ерларни ўзлаштирган вақтда мелиорация қурилиши масалаларига алоҳида эътибор берди. Пленум шу ерларда коллектор-зовур шохобчаларини қуриш суръатлари ирригация қурилишидан илдамроқ олиб борилиши лозим деб кўрсатма берди.

«Голодностепстрой» келгуси беш йилликда Жанубий Мирзачўл канали зонасидаги қўриқ ерларни ўзлаштиришни асосан тугаллаш ва Жиззах даштини суғоришга киришиш, 150-165 минг гектар янги ерни тайёрлаб қўйиш ва ўзига қарашли совхозларда пахта етиштиришни 250 минг тоннагача етказиши лозим.

Холбуки, «Голодностепстрой» ишида катта нуқсонлар бор. Капитал маблағ сарфлаш юзасидан ажратиб берилаётган маблағлар йил сайин тўла фойдаланилмай қолмоқда. Янги ерларни ўзлаштириш плани бажарилмаяпти. Мелиорация ишидаги аҳвол ҳам кўнгилларигидек эмас — янги ўзлаштирилган ерларнинг шўр босишига, ботқоқланиб қолишига ва улардан бир қисмининг қишлоқ хўжалик оборотидан тушиб қолишига йўл қўйилмоқда.

«Голодностепстрой» раҳбарлари Сирдарё область партия комитетининг ёрдами билан ана шу нуқсонларнинг ҳаммасини тезроқ тугатишлари керак.

Қарши даштида катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишимиз лозим.

Келгуси беш йилликда қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағларни шундан олдинги беш йилдагига нисбатан 2,4 баравардан зиёд кўпайтириш мўлжалланмоқда. Республикада 120 дан ортиқ янги совхоз, насилдор чорва моллари етказиб берувчи хўжалик ва паррандачилик фабрикаси қурилади.

Бундан ташқари қишлоқ жойларида уй-жой, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший иншоотлар қурилишининг катта программасини бажаришимиз керак.

Химиялаштириш билан механизациялаш хўжаликни интенсив бошқаришнинг муҳим шартидир. Минерал ўғитларни истеъмол қилиш даражаси жиҳатидан пахтачилик мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Илғор колхозлар ва совхозлар фосфор ва калий аралаштириб солинган азотнинг ҳар бир килограмми эвазига 22-25 килограмм пахта олмоқда. Лекин ўғитни кўп солса ҳам оз ҳосил олаётган хўжаликлар ҳали ҳам бор.

Ўғитларни ташиш ва сақлаш вақтида кўп миқдордаги озуқа моддалари нобуд бўлиб кетмоқда. Минерал ва маҳаллий ўғитларни тайёрлаш ва улардан фойдаланишда кўп камчиликлар бор. Бундай нуқсонларга ортиқ тоқат қилиш мумкин эмас.

Ҳосилни зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш — химиялаштиришнинг муҳим бобидир. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, республикада ҳар йили зараркунандалар ва касалликлардан 400 минг тоннага яқин пахта нобуд бўлмоқда. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва ўсимликларнинг касалликлари билан кураш соҳасидаги ҳамма ишни жиддий суратда яхши йўлга қўйишлари лозим.

Дефолиантлар, десикантлар, гербицидлар пахтачиликда меҳнат унумдорлигини оширишда катта роль ўйнайди. Химия саноати ана шу моддаларни ишлаб чиқариш қувватларини тезликда ошириши зарур.

Деҳқончиликнинг юксак маданияти қишлоқ хўжалик экинларини тўғри навбатлаб экишни, илмий ва назарий жиҳатдан асослаб берилган, амалда синаб кўрилган алмашлаб экишни жорий қилишни кўзда тутади. Беда алмашлаб экишда пахтанинг энг қимматли ўтмишдошидир. Баҳолонки, кейинги йилларда бизда бунга етарли баҳо берилмади ва алмашлаб экиш рағбатлантирилмади, 1953 йилда 492,4 минг гектар ерга беда экилган бўлса, ўтган йили бедапоялар 228,7 минг гектарга қисқарди. Шу билан бирга, кўп жойларда беда яхши парвариш қилинмади ва бунинг натижасида ҳар гектар ердан атиги 47,6 центнер қуруқ беда ҳосили олинди. Юқоридан пала-партишлик билан берилган установкалар, ишга субъективларча қараш ана шунга олиб келди.

Шуни эътироф қилиш керакки, алмашлаб экишни ўзлаштириш ва бедачилик хўжалигини тубдан яхшилаш соҳасида белгиланган тадбирлар ҳанўз қониқарсиз бажарилмоқда. Андижон ва Хоразм областларида, Қорақалпоғистон АССРда бедачилик хўжалигини юксалтириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши мутлақо кўнгилдагидек эмас. Бедачилик хўжалигидаги мавжуд камчиликларни тезликда йўқотиш керак.

Механизацияни тобора ривожлантириш деҳқонларнинг меҳнатини енгиллаштиришда ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишда жуда муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда республикамизда пахта етиштиришдаги ишлаб чиқариш процессларининг кўпчилиги тамомила механизациялаштирилди. Ҳосилни машина билан териб олишда ҳам олға қараб катта қадам қўйилди. Ўтган йили 814 минг тонна пахта машинада териб олинди.

Етти йиллик даврида пахтачиликда меҳнат унумдорлиги қарийб 1,3 процент ортди.

Аммо, биз комплекс механизациялашни тугаллаш ва арзон пахта етиштиришни кўпайтириш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш соҳасида ҳали кўп иш қилмоғимиз керак. Ёввойи ўтларни ўтоқ қилиш, ғўзани ўсиш даврида суғориш, пахта териш ва машина териб олганидан кейин тўкилган пахтани териб олиш учун қўл меҳнати ҳали кўп сарф қилинмоқда. Махсус подборщикларни кўплаб ишлаб чиқариш тўкилган пахтани териб олишни механизациялаш имконини, гербицидлар эса далани ёввойи ўтлардан тозалашда қўл меҳнатини суриб чиқариш имконини беради.

Суғориш ишларини механизациялаш масаласига келганда, ёмғирлатиб суғориш установкалари, эгилувчан трубалар ва найлардан фойдаланиш билан бирга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳам анча кучайтириш керак.

Ҳосилан машина билан териб олиш пахтачиликда техникани янада тараққий эттиришнинг асосий звеноси бўлиб қолади. Биз яқин икки-уч йил ичида теримни ишларини тўла равишда механизациялаштиришимиз ва ишчиларни, хизматчиларни, студентларни ҳамда ўқувчиларни терим ишларига жалб этишдан воз кечишимиз керак.

* * *

Республикада ўтган олти йил мобайнида қорамол туғёи анча кўпайди, чорва моллар маҳсулдорлиги ортди. Гўшт тайёрлаш 65 процент, сут тайёрлаш 41 процент ва тухум тайёрлаш 2,7 баравар кўпайди. Қорақўл терини давлатга сотиш юзасидан етти йиллик план топшириғи олти йил ичида бажарилди.

Кўпгина колхоз ва совхозлар чорвачиликни зарар кўрмайдиган тарзда олиб боришга эришдилар.

Аммо, шундай бўлса ҳам чорвачилик қишлоқ хўжалигининг ҳали ҳам энг қолоқ тармоғидир. Республика колхоз ва совхозларида подани, хусусан қорамолни урчитиб кўпайтириш мутлақо қониқарсиз уюштирилган. Молларнинг кўп нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда, ем-хашак тайёрлашни кўпайтириш ва фермалардаги оғир ишларни механизациялаш масалаларига тегишинча эътибор берилмаётир.

Етти йиллик планнинг мол туғёини ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги контроль рақамлари бажарилмади.

Чорвачиликда ана шундай катта камчиликлар рўй бераётганлигига асосий сабаб шуки, партия ва совет ташкилотлари, Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қишлоқ хўжалигининг ана шу тармоғини ривожлантиришга кам эътибор бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорига мувофиқ, республикада 1970 йилда гўшт тайёрлашни 205 минг тоннага, сут тайёрлашни 400 минг тоннага, тухум тайёрлашни 310 миллион донага етказиш мўлжалланди. Чорва молларнинг ҳамма турларини ва паррандаларни кўпайтириш кўзда тутилади.

Сут ва гўшт топшириш ва харид қилиш нархларининг оширилганлиги ҳамда қаймоғи олинган сут нархининг камайтирилганлиги колхоз ва совхозларнинг чорвачиликдан қўшимча равишда 50 миллион сўм даромад олишларини таъминлайди. Эндиликда чорвачиликни ривожлантириш учун зарур иқтисодий стимулларнинг ҳаммаси вужудга келтирилди.

Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планларини районларга, хўжаликларга ва фермаларга мумкин қадар тезроқ маълум қилиш зарур.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтиришни кўзда тутади. Вазифа — ҳар бир хўжаликда талаб қилинган миқдорда ем-хашак тайёрлашдан иборат.

Кичик фермалар базасида ташкил этилган ихтисослаштирилган совхозлар чорвачиликни юксалтиришда муҳим роль ўйнайди. Ўтган йили 26 қўйчилик совхози, 43 чўчқачилик, сутчилик, сабзавотчилик совхозлари ва қорамолни ўстириш ҳамда сўқимга боқиш хўжаликлари, бўрдоқига боқувчи 8 совхозаро, 35 колхозаро пунктлар ва 27 та колхозаро паррандачилик фермалари ташкил этилди.

Чорвачиликни ихтисослаштириш соҳасида кўрилган тадбирлар ана шу соҳани ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Аммо кўпгина область ва районларда ихтисослаштириш баҳоноси билан қўпол хатоларга йўл қўйилди. Кўп колхоз ва совхозларда чўчқачилик, қўйчилик ва паррандачилик фермалари тамомила тугатилди.

Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари ана шу хатоларни тезликда тузатиш ва ҳар бир хўжаликнинг имкониятларини ҳисобга олиб, илғари тугатилган фермаларни яна тиклаш учун барча чораларни кўришлари лозим.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети март Пленумининг чорвачилик соҳасида қўйган вазифаларини бажариш учун ем-хашак базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, наслчилик ишини яхшилаш, сунъий қочириш кенг жорий қилиш, поданинг ўрнини тўлдирадиган таналарни яхши боқиб ўстириш ишларини пухта уюштириш, фермалардаги оғир ишлар қандай механизациялаштирилганлигини қараб чиқиш, шунингдек химиядан фойдаланиб, молларга ем-хашакни тайёрлаб беришнинг прогрессив усулларини кенг қўлланиши зарур.

Ғалла маҳсулотлари ва аралаш ем саноати министрлиги аралаш ем ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан берилган топшириқни бажариш учун тегишли чораларни кўриши зарур.

* * *

Республикамизнинг колхоз ва совхозлари дон хўжалигини ривожлантиришда муайян муваффақиятларни қўлга киритдилар. Етти йиллик планнинг дон етиштириш ва давлатга дон сотиш юзасидан берган топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Республикада ихтисослаштирилган 13 та шоликорлик совхози, шу жумладан Қорақалпоғистонда 9 совхоз ташкил этилди. Бу эса Амударё этакларида шоли етиштириладиган йирик районни вужудга келтиришга асос қўйди. Бу чора шоли етиштиришни ўтган йилнинг ўзидаёқ 117,6 минг тоннагача етказиш, яъни 1959 йилдагига нисбатан икки баравар ошириш имконини берди. Шу билан бирга, давлат йўли билан шоли ҳосил қилиш тўрт баравар ортди. Лекин кўп хўжаликлар, хусусан Фарғона ва Андижон областларидаги хўжаликлар шолидан паст ҳосил олмоқдалар. Қорақалпоғистондаги бир қанча шоликор совхозларда аҳвол сира ҳам кўнгилдагидек эмас. Сув хўжалиги, қурилиш ташкилотларининг ва аввало, «Ўзгалавдострой»нинг айби билан ўтган йили бу областда суғориш ва мелиорация шохобчаларининг қуриб битказилиши таъминланмади. Бу ҳол шолипояларнинг ботқоқланиши ва қуриб қолиши натижасида экиларнинг нобуд бўлишига олиб келди. Бу хатолар шу йил ҳам такрорланмоқда.

Келгуси беш йилликда 1965 йилдаги 134,9 минг тонна ўрнига 318 минг тонна шоли етиштирилади. 1970 йилда республика давлатга 1964 йилда сотилган 52,8 минг тонна ўрнига 220 минг тонна шоли сотиши керак. Ана шу катта вазифани муваффақиятли ҳал этмоқ учун янги ташкил этилган 13 шоликор совхозда комплекс қурилиш ишларини тезликда битказиш ва 1967 йилдан бошлаб яна беш совхозни ташкил этишга киришмоқ керак.

СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, шу йилдан бошлаб шолининг харид нархлари оширилди ва шоликорларни рағбатлантириш учун бошқа муҳим тадбирлар ҳам белгиланди. Бу эса шоликорликни бундан бўён кескин суратда юксалтириш учун қулай шароитлар вужудга келтиради.

Ламмикор буғдой ва арпа — республикада озиқ-овқат дони ва молларга ем-ем ҳисобланадиган муҳим манбаидир. Бизда буғдой ва арпадан ҳар йили яхши ҳосил етиштираётган Қарши районидаги «Ударник», 1-«Галлаорол», Карл Маркс номли совхозлар, Қарши районидаги «Ленинизм» колхози, Булунғур районидаги «Ленин йўли» колхози каби илғор хўжаликлар кўп.

Биз ана шу хўжаликларнинг тажрибасини кенг жорий қилишимиз, ламмикор деҳқончилик маданиятини юксалтиришимиз, чопиқ қилинадиган экинларни алмашлаб экиш, далаларни ёввойи ўтлардан тозалаш керак.

Республикада сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштириб давлатга сотиш анча кўпайди. Аммо, биз сабзавот, картошка ва полиз экинларини ҳали кам етиштирмоқдамиз. Етти йиллик планнинг ана шу маҳсулотларни етиштириш юзасидан берган топшириғи бажарилмаётир. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига сабзавот ва картошка етиштириш Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан кескин суратда оркада қолмоқда. Хўлбуки, бизда ана шу маҳсулотларни етиштириш учун мамлакатнинг бошқа районларидагига қарагандз мислсиз қулай шарт-шароит мавжуддир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштиришни кўпайтириш, шунингдек аҳолини ана шу маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш чоралари тўғрисида махсус қарор қабул қилдилар.

1970 йилда сабзавот етиштириш 1964 йилдагига нисбатан 2,2 баравар, полиз экинлари етиштириш 2,2 баравар ва картошка етиштириш 2 баравар ортади. Бу чора аҳоли жон бошига сабзавот истеъмол қилишни йилига 75 килограмм ва полиз экинлари истеъмол қилишни 50 килограммгача етказиш имконини беради.

Бизнинг республикамизда богдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун энг қулай табиий шароитлар мавжуддир. Кейинги олти йил ичида боғ-роғлар 89,6 минг гектардан 134,1 минг гектаргача, токзорлар 34,3 минг гектардан 49,2 минг гектаргача кенгайди. 835 минг тонна мева ва 1 миллион 34 минг тонна узум етиштирилди. Кўп хўжаликлар ишнинг кўзини билиб, мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Ҳолбуки, ўтган йили республикада токзорларнинг ҳар гектаридан атиги 59,1 центнер, боғ-роғларнинг ҳар гектаридан 27,2 центнер мева олинган эди.

Биз янги беш йилликда мева ва узум етиштириши кескин суратда кўпайтиришимиз керак: 1970 йилда давлатга 91 минг тонна ёки бу йилги пландагига нисбатан 1,9 баравар кўпроқ ҳўл мева ва 200 минг тонна ёки бу йилги пландагига нисбатан 1,5 баравар кўп узум сотиш керак.

Боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлигини ошириш — асосий вазифадир.

Аҳолини сабзавот, картошка, полиз маҳсулоти, мева ва узум билан узлуксиз таъминлаб туриш учун савдо ва тайёрлаш ташкилотлари маҳсулотни қабул қилиб олиш, асраш ва қайта ишлаш ишларини яхшилашлари жуда муҳимдир. Бу ишда республика Ихтисослаштирилган совхозлар, консерва ва узумчилик саноати давлат ишлаб чиқариш комитетининг хўжаликлари катта роль ўйнаши керак.

1970 йилга борганда колхоз ва совхозлар давлатга камида 290 минг тонна каноп пояси, 48 минг тонна тамаки сотишлари керак. Шак-шубҳа йўққи, бу экинларни етиштиришда бой тажриба орттирган лубкорларимиз билан тамакикорларимиз топшириқни ошириб бажариш учун зарур бўлган ишларнинг ҳаммасини қиладилар.

Республика қурт тутувчилари бу йил планни сўзсиз бажариш ва етти йилликни муваффақиятли якунлаш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар, чунки ўтган олти йил мобайнида давлатга топширикда кўзда тутилганидан 1.066 тонна кўп пилла сотилди. Бундай ижобий натижаларга, аввало, пиллачиликни бошқариш маданиятини ошириш, ўзимизда тайёрланадиган қурт уруғи сифатини яхшилаш йўли билан эришилди.

1970 йилда республика колхоз ва совхозлари давлатга 17,500 тонна пилла, яъни бу йилдагидан 1.000 тонна кўп пилла сотишлари керак. Шу билан бирга пилла етиштиришни кўпайтиришдан ташқари бу хом ашёнинг сифати жиддий суратда яхшиланиши ва таннархи пасайтирилиши лозим.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми фаннинг қишлоқ хўжалигидаги алоҳида аҳамиятига эътиборни қаратди. Республикада илмий тадқиқот ташкилотларининг кенг шохобчаси барпо этилган бўлиб, бу кўп тармоқли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган. Олимлар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун кўпгина қимматли таклифлар бердилар ва бермоқдалар.

Шу билан бирга илмий тадқиқотларнинг савияси, уларнинг самаралилиги, ишлаб чиқаришга бераётган ёрдами ҳали республика қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларга жавоб берарли эмаслигини эътироф этмоқ керак.

Ҳозирги вақтда 1966 — 1970 йилларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини тайёрлаш ва харид қилиш планлари колхоз ва совхозларга етказилмоқда. Бу планларни тупроқ-иқлим шароити ва иқтисодий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда колхоз ва совхозларга етказиш мураккаб ва масъулиятли вазифадир. Олимлар перспектив планлар тузишнинг рационал методикасини ва бу планларни бажариш юзасидан кўриладиган тадбирларни ишлаб чиқишда область ва район планлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалик органларига, колхоз ва совхозларга ёрдам беришлари керак.

Қишлоқ хўжалигида ишбилармон, моҳир мутахассисларнинг катта отряди ишлаб турибди. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида шу нарса уқтириб ўтилдики, агрономлар билан зоотехниклар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг технологлари бўлиб, саноатда инженерлик роли қанчалик катта бўлса, агрономлар билан зоотехникларнинг роли ҳам шунчалик каттадир. Партия мутахассисларни қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашда ўзининг ишончли, малакали таянчи деб билмоқда. Агроном, зоотехник, ветеринария врачи, инженер ишчан кишилар бўлиши, янгиликни дарҳол илиб олиши, фан ва халқ тажрибасининг илғор ютуқларини доимо практикага жорий қилиб бориши лозим.

Афсуски, бизда мутахассисларга нотўғри муносабатда бўлиш, уларнинг тажрибаси ва билимларини назар-эътиборга олмаслик ҳоллари тез-тез учраб туради. Партия органлари мутахассисларга ўзларининг ижодий қобилиятларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш, барча резервлардан деҳқончилик ва чорвачиликни жадал ривожлантириш учун фойдаланишга ташаббус кўрсатиш имкониятини бериб қўйишлари лозим.

* * *

Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш, иқтисодий ишлар даражасини ошириш, ҳамма жойда хўжалик ҳисобини жорий қилиш, молия хўжалигини мустаҳкамлаш алоҳида муҳим аҳамият касб қилмоқда. Хўжаликларнинг рентабеллигини ошириш учун барча резервлар ва имкониятлардан фойдаланиш керак.

Хўжаликларнинг экономикасини мустаҳкамлаш учун республикада кўп иш қилинди. Сўнгги беш йил ичида колхозларнинг пул даромадлари 34 процент кўпайди ва ўтган йили бир миллиард 373 миллион сўмга етди. Етти йиллик мобайнида колхозларнинг бўлинмас фондлари 646 миллион сўм кўпайди ёки икки баравар ошди. Ички хўжалик ҳисоботи кенг жорий қилинмоқда. Кўпгина колхозларда, бригада ва звеноларда етиштирилган ҳосилнинг миқдори, сифати ва таннархига қараб меҳнатга ҳақ тўланмоқда.

Колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш анча кўпайди — 1964 йилда бир киши кунига ўрта ҳисобда пул билан икки сўм 51 тийин ҳақ тўланди, ҳолбуки, бундан уч йил муқаддам бир сўм 81 тийин тўланган эди.

Шу билан бирга республика колхозлари фаолиятида ҳали ҳам катта-катта нуқсонлар бор. Баъзи область ва район партия комитетлари қишлоқ хўжалик Уставига қандай риоя қилинаётганлигини контрол қилишни сусайтириб қўйганлиги оқибатида баъзи бир колхозларда, жамоат ерларини, чорва молларини, пул маблағларини талон-торож қилиш давом этмоқда, шунингдек колхоз демократияси бузилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги Уставини бундай бузишларга йўл қўйилишининг сабаби шуки, бир қанча хўжаликларда колхозчиларнинг асосий оммаси колхоз тузилишининг туб масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнаштирилмаётир. Даромадларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш-молиявий планларни тасдиқлаш, моддий-пул маблағларини сарфлаш, артелга янги аъзолар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўп ҳолларда колхоз раисларининг ўзлари ва правлениеларнинг ўзлари ҳал қилиб юборяпдилар. Артель ишларини бошқаришнинг демократик негизларига сўзда эмас, балки амалда риоя қилмоқ керак.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалик артелининг янги Устави лойиҳасини ишлаб чиқишни зарур деб топди, бу лойиҳани муҳокама қилмоқ учун 1966 йилда колхозчиларнинг умумий Бутуниттифоқ съезди чақирилади. Районлар, областларда ва республикада ҳам колхозчиларнинг съездлари ўтказилади.

Республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида совхозлар етиштираётган маҳсулотнинг салмоғи узлуксиз ўсиб бормоқда, бизда ҳозир 293 та совхоз бўлиб, улар бу йил пахтанинг 23,6 процентини, донининг 72 процентини, қоракўл териларнинг 55 процентини, гўштнинг 48 процентини, жунининг 47,5 процентини, мевалларнинг 45 процентини, узумнинг 65 процентини ва картошканинг 49 процентини етиштириб беришлари лозим. Совхозлар етиштираётган маҳсулотнинг салмоғи йил сайин орта беради.

Шу нарса қувонарлики, илгари кейинда қолиб келган «Бешариқ», «Кўқон», «Красная Звезда», «Косон», «Қўқимбой», «Гулбоғ» совхозлари ва бошқа бир қанча хўжаликлар ўтган йили юксак рентабелликка эришдилар.

Бироқ, кўпгина совхозлар ҳали ҳам қониқарсиз ишламоқда. Республика Қишлоқ хўжалиги министрлигига қарашли 100 совхоз ўтган йили зарар кўрди ва 50 совхоз жамғарма тўплаш планини бажармади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совхозларнинг молиявий-хўжалик фаолияти якунларини қараб чиқилар ва ана шу нуқсонларнинг ҳаммасини тугатиш чораларини белгиладилар.

Хўжаликларнинг рентабеллигини узлуксиз ошириб бориш колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлашнинг туб масаласидир. Гап шундаки, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг кўп тармоқлари ўтган йили норентабел ёки кам рентабелли бўлди. Кўпчилик колхоз ва совхозларда гўшт, сут, тухум, картошка етиштиришдан зарар кўрилмоқда. Қишлоқ хўжалиги министрлигига қарашли совхозларда мева, узум, сабзавот етиштириш ҳам, 100 совхоздан 30 тасида, ҳатто, пахта етиштириш ҳам зарар келтирадиган бўлиб қолди.

Хўжаликнинг юксак рентабел бўлишини таъминлаш мураккаб ишдир. Бу ўринда колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг барча бўғинларига хўжалик ҳисобини чинакамига жорий этиш, иқтисодий ишлар савиясини анча кўтариш, хўжаликни тежамли қилиб бошқаришга эришиш талаб этилади. Суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектари, минерал ўғитларнинг ҳар бир килограмми, ишлаб чиқаришга сарфланаётган маблағнинг ҳар бир сўми энг кўп самара берадиган бўлсин.

Хўжаликни тўғри бошқариш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришиш, аввало, раҳбарларга боғлиқ.

Республика партия ташкилоти колхоз ва совхозларни кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан анчагина ишларни қилди. Совхоз директорларидан 92 проценти ва колхоз раисларидан 76 процентининг олий ва ўрта маълумоти бор. Улар орасида агрономлар, инженерлар, зоотехниклар, ветеринария врачлари, экономистлар кўп. Колхоз раисларининг кўпгина ўринбосарлари, совхоз бўлимларининг бошқарувчилари, колхозларнинг бош бухгалтерлари ҳам эндиликда олий ва ўрта махсус маълумотли кишилардир.

Область ва район партия комитетлари колхоз ва совхозларни раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласи билан бундан буён ҳам кун сайин шуғулланишлари лозим — бу иш уларнинг ташкилотчилик фаолиятидаги асосий нарсадир.

* * *

Республика қишлоқ хўжалик ходимлари бу йил Ватанга 3 миллион 650 минг тонна пахта, 290 минг тонна дон, 16 минг 500 тонна пилла, 343 минг тонна сабзавот, 155 минг тонна полиз маҳсулотлари, 100 минг тонна картошка, 178 минг тонна мева ва узум, 170 минг тонна гўшт, 305 минг тонна сут, 20 минг тонна жун, 145 миллион дона тухум ва кўпгина қоракўл тери топшириш мажбуриятини олганлар.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари бу мажбуриятларни бажариш учун сабот билан меҳнат қилмоқдалар.

Бироқ, дала ишларини ташкил этишда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашда ҳали ҳам жиддий нуқсонлар бор.

Пахтачилик ҳақида гапирганда аввало, шуни айтиш керакки, ғўзаларни парвариш қилиш ишларининг суръати ғўзанинг ривожланиш аҳволига мос бўлиб тушмаётир, 20 майга қадар чигит экилган майдонларнинг атиги 61,4 процентида ягналаш ишлари ўтказилган. Самарқанд ва Хоразм областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР айниқса орқада қолмоқда. Ғўзани биринчи культивация қилиш тугаллангани йўқ, иккинчи культивация эса 23,9 процент бажарилди.

Суғориш ишларининг орқада қолаётганлиги айниқса ташвиш туғдирмоқда. Вегетация даврида ўтказиладиган биринчи суғориш майдонларнинг 16 процентидагина ўтказилди, бу йилги шароитда шундай аҳволга йўл қўйиш жуда хатарлидир. Суғориш суръатларини кескин оширишга қаратилган қатъий чоралар дарҳол ўтказилмас экан, ҳосилга катта зарар етказилади.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу йилги шароитда суғоришни тўғри

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ V СЕССИЯСИ

27 майда Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Сессияда кун тартибидаги биринчи масала — «КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштириши кўпайтириш ва мол туёғини ошириш чоралари тўғрисида» Республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари **Г. А. Габриельянц** доклад қилди.

Кеча, деди ўртоқ Габриельянц, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитети март Пленумининг якунларини ва Ўзбекистон партия ташкилотининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилди, республикамиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган чорвачиликни юксалтириш юзасидан ҳам конкрет тадбирлар белгиладi.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг чорвачилик ўз тараққиёти жиҳатидан жуда орқада қолганлиги тўғрисида берган кўрсатмаси Ўзбекистон ССРга ҳам тўла ва бутунича тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1953 йил) Пленумидан кейин ўтган даврда республикада мол туёғи кўпайди ва чорвачилик маҳсулдорлиги ошди. Бу эса чорвачилик маҳсулотлари етиштириши бу маҳсулотларни тайёрлаш ва давлатга сотиш миқдорини анча кўпайтириш имконини берди. Қорамолнинг зоти яхшиланди, қорақўл терининг сифати ошди.

Ўтган йили республиканинг колхоз ва совхозларида гўшт етиштириш 1963 йилдагига нисбатан 19 процент, сут етиштириш 7 процент ортган бўлса ҳам ана шу маҳсулотларни етиштириш ҳали ҳам жуда паст даражада қолмоқда. 1964 йилда республикада чорва молларнинг ҳамма турларини кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш плани бажарилмай қолди.

Республикадаги колхоз ва совхозларда қорақўл тери ва жунни мустасно қилганда, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш 1964 йилда ҳам хеч қандай фойда келтирмади. Қишлоқ хўжалиги министрлиги совхозларидаги ва чорвачилик маҳсулотларини реализация қилиш натижасида 1964 йилда 17,8 миллион сўм зарар кўрилди.

Ем-хашак етиштириши кўпайтириш — чорвачиликни юксалтиришнинг асосий шартидир. Ҳаммага яхши маълум бўлган бу ҳақиқатни кўпинча эсдан чиқариб қўймоқдамиз. Кейинги йилларда республикада мол озуқаси экилган майдонлар кескин суратда камайиб кетди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми шу йил февраль ойида республикада алмашлаб экишни ўзлаштириш ва бедачилик хўжалигини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани махсус қараб чиқди. Бедачилик хўжалигини жиддий суратда яхшилаш керак. Бу йил колхоз ва совхозларда бедапоялари 275 минг гектарга етказиш мўлжалланади. Аммо, шуни айтиш керакки, беда экиш плани шу пайтгача атиги 75 процент бажарилди. Қорақалпоғистон АССРда ва Хоразм областида аҳвол айниқса қониқарсиздир.

Ем-хашак проблемасини экинлардан бирон хилини етиштириш йўли билан ҳал этиш мумкин эмаслигини унутмаслик керак. Ҳар бир хўжалик маҳаллий шароитларда энг кўп ҳосил берадиган ва энг кўп фойдали бўлган хашаки экинларни танлаб олиши керак. Ваҳоланки, маккажўхори ва оқжўхори экиш планлари йил сайин бажарилмаётир. Шу йил ҳам экиш планини 20 майгача фақат Қашқадарё области бажарди. Беда, маккажўхори ва оқжўхори билан бир каторда хашаки илдиз мевалар етиштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Қўйчиликни янада ривожлантириш — йилов хўжалигини мустаҳкамлаш билан маҳкам боғланган. Иттифоқ ҳукуматининг ёрдами туфайли кейинги 5 йил мобайнида яйловларни ўзлаштириш ва уларга сув чиқариш соҳасида кўп иш қилинди. Бу йил 600 минг гектар яйловга сув чиқариб, совхозларда 1 миллион 100 минг гектар майдонда молларни суғориш шохобчаларини реконструкция қилиш, артезиан қудуқлари сувн билан суғориш учун 678 гектар ерни тайёрлаш мўлжалланди. Республикада ҳам сув чиқарилмаган 9,7 миллион гектар яйлов бўлиб, шундан 6,6 миллион гектари Устюрт ясси тоғларида жойлашган.

Кейинги йилларда республикада аралаш озуқа ишлаб чиқарадиган саноат вужудга келтирилди. Лекин бу саноат ишлаб чиқараётган озуқа катта талабларимизга ҳалл жавоб бермаяпти. Уларнинг хиллари кам, турли ёшдаги мол ва паррандалар учун аралаш озуқа етарли миқдорда тайёрланмаяпти.

Чорва молларнинг зотини яхшилаш чорвачиликни интенсивлаш ва унинг рентабеллигини оширишда жуда катта ўрин тутади. Сўнгги йилларда жами мол туёғида зотли қорамол салмоғи 1960 йилдаги 36 процентдан 1964 йил бошигача 54 процентгача кўпайди.

Қўйларнинг зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш — қорақўлчилик соҳасидаги муҳим вазифадир. Баъзи хўжаликларда бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Сўнгги вақт ичида давлат наслчилик заводлари ва таналар етиштириладиган наслчилик хўжаликлари ташкил этилди. Қорақўлчилик хўжаликлари рангдор терилар етиштириш учун ихтисослаштирилди. Аммо, бу соҳадаги ишларнинг ҳаммаси ҳам бажарилди, деб бўлмайди.

Чорвачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш, фермалардаги ишларни механизациялаш даражасига чамбарчас боғлиқдир. Ваҳоланки, республикада чорвачилик ишларини механизациялаш жуда паст даражада турибди. Аслини олганда, бир неча паррандачилик фабрикалари ва айрим совхозларни мустасно қилганда, республикамизда чорвачиликни комплекс механизациялаш амалга оширилгани йўқ. Чорвачилик фермаларидаги ишларни механизациялаш юзасидан белгиланган планлар йил сайин бажарилмай қолмоқда. Чорвачиликнинг юксалтирилишини таъминлаш учун бошқа бир қанча жиддий камчиликларни тугатиш чораларини кўриш керак.

Республикада чорвачиликни пахтачилик, сабзавотчилик билан ва бошқа тармоқлар билан яхши кўшиб олиб бориб, юксак даражада уюштираётган хўжаликлар оз эмас. Булар орасида юқори ҳосилли «Пахтаорол» пахтачилик совхози, Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхози бор.

Чорвачиликни ихтисослаштириш уни муваффақиятли суратда ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан биридир. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари чорвачиликни ихтисослаштириш учун кенг йўл очиб берди. Республикада бу соҳада кўп иш қилинди. Йирик қўйчилик хўжаликлари ташкил этилди. Кўпгина колхоз ва совхозларда йирик сутчилик фермалари вужудга келтирилди. Саноат негизида ташкил этилган паррандачилик ривожланмоқда. Республикада чўчқачилик ҳам саноат негизига кўчирилмоқда. Қорамолларни бўрдокига боқувчи колхозлараро ва совхозлараро хўжаликлар ташкил этишда ҳам дастлабки ижобий натижаларга эришилган қийинчиликлар бизнинг зиммамизга бу йилги олган мажбуриятларимизнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ўз ғайратимизни икки-уч ҳисса ошириш вазифасини юкламоқда.

Колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг энг зарур вазифаси — беданинг биринчи ўриминги яқин кунларда тўла тугаллаш, ёз давомида беданг камида тўрт-беш марта ўриб олишдан иборатдир. Ўтган йилларда қолган ҳамма ем-хашакни ҳисобга олиб, уни тўла сақлаб қолиш чорасини кўриш даркор. Бу йил ем-хашакни айниқса тежаб-тергаб сарфлаш, уни молларга фақат қирқиб, яхши тайёрлаб бериш лозим.

Биз чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилар эканмиз, кишилар билан ташкилотчилик иши ва тарбиявий иш олиб боришни бутун чоралар билан яхшилашимиз керак. Соғлиқни сақлаш ва Маориф министрликларининг органлари, Ўзбекбирлашув, меҳнаткашлар депутатлари область ва район Советларининг раҳбарлари чорвадорларга маданий-маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатишга кўпроқ эътибор беришлари мутлақо шарт.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари яқин икки йил ичида чорвачиликни кескин юксалтириш имконини берадиган объектив шарт-шароитлар вужудга келтирмоқда. Республикадаги совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, барча меҳнаткашлар, дейди докладчининг охирида Ўртоқ Габриельянц, партия ташкилотлари раҳбарлиги остида, чорвачиликдаги қолоқликни жуда қисқа муддат ичида тугатиш, чорва маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш учун бутун куч-ғурватларини сарфлайдилар ва бу билан совет халқининг фаровонлигини яхшилашга ишга муносиб ҳисса кўшадилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Совети қишлоқ хўжалиги доимий комиссиясининг раиси депутат **А. Ҳайдаров**нинг қўшимча доклади тингланди.

Чорвачиликни янада ривожлантириш, деб уқтирилади қўшимча докладда, биринчи галда мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга боғлиқ. Доимий комиссиянинг фикрича, яйловларнинг ҳар бир участкасидан ишнинг кўзини билган ҳолда фойдаланиш жуда муҳимдир. Имконият бор жойларда вақтни қўлдан бой бермай, табиий пичанзорларда пичан тайёрлаш керак. Ҳозир асосий вазифа шуки, барча майдонлардаги пичан ва дағал хашак ўз вақтида йиғиштириб олинсин.

Кўпгина хўжаликларда анчагина миқдорда қолдиқ хашак бор. Ана шу хашакни чириб кетиш ва талон-торождан сақлаб қолиш лозим. Бу ўринда Нурота районидаги «Ғозғон» совхозининг, Қашқадарё областидаги «Муборак» ва «Нишон» наслчилик заводларининг тажрибаси диққатга сазовордир. Бу ерларда дағал хашакнинг кўп қисми жодидан ўтказилган ёки тойлаб қўйилган. Бу эса, уларнинг яхши сақланишига ёрдам беради.

Комиссия ўз хулосаларида чорванинг нобуд бўлишига қарши курашни кучайтириш зарурлигига эътиборни жалб қилади. Кондицияга етказиб семиртилмаган моллари давлатга топшириб юборилгани шундай нобудгарчилик манбаларидан биридир. Чорва молларни тўғри ўтлатиб боқиб семиртиришни ташкил этишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Хўжаликларнинг жуда кўпчилигида алмашлаб экиш йўлга қўйилмаганлиги сабабли пахта ҳосилдорлигини янада ошириш суст бормоқда ва мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш орқага сурилмоқда. Бу хатони тузатмоқ, ҳамма жойда пахта-беда алмашлаб экишни жорий этмоқ керак.

Ўртоқ Габриельянц доклади юзасидан музокаралар бошланди. Депутатлар ўз нутқларида чорвачиликдаги ишларнинг аҳволини ҳар тарафлама анализ қилиб, қишлоқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғини тезроқ юксалтиришга қаратилган конкрет таклифлар киритишди.

Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси депутат **И. Ж. Жалилов** айтдики, областдаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари асосида чорва моллар туёғини кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни ошириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқдилар. Ем-хашак етиштиришни кўпайтириш, фермалардаги сермеҳнат ишларни механизациялаш юзасидан каттагина ишларни амалга ошириш мўлжаллаб қўйилди. Келгуси йилдан ўнта совхозда ва ўн тўртта колхозда сут ва гўшт берадиган қорамол наслчилик фермаларини ташкил этиш кўзда тутилади.

Сирдарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари депутат **А. И. Руцкий** чорвачиликдаги наслчилик ишлари, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, фермалардаги сермеҳнат ишларни механизациялаш масалаларига тўхталиб ўтди. Унинг фикрича, механизатор кадрларнинг малакаси етарли эмаслиги, хўжаликлар запас қисмлар билан яхши таъмин этилмаётганлиги механизация даражаси паст савияда қолаётганлигининг асосий сабабидир. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва республика «Узсельхозтехника» бирлашмаси бу масалаларга эътиборни кучайтиришлари лозим.

Кегайли районидаги «Қорақалпоғистон 40 йиллиги» совхозининг чўпони **Е. Ортиқбоев** сўз олади.

Ўтган йилнинг июль ойида Қўйбоқ массивида ихтисослаштирилган қорақўлчилик совхози тузилган эди. Қўшни колхозлардан бу совхозга 35 мингдан ортиқ қўй топширилди. Биз зоотехника усулларидан кенг фойдаланиш туфайли, хўжаликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдик. Агар ўтган йилнинг баҳорида ҳар бир қўйдан 650-700 граммдан жун қирқиб олинган бўлса, бу йил 1100-1200 граммдан жун қирқиб олинди. Мол туёғини кўпайтириш ва қўзиларни асраб қолиш плани анча ошириб бажарилди, қўйларнинг нобуд бўлиши икки баравар камайтирилди. Бироқ, ҳали жиддий нуқсонлар ҳам бор. Жумладан, совхозлар планли равишда қўзилатилмаётир. Яйловлардан фойдаланишни яхшилашда хўжаликларга ёрдам бериш, чорвадорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга кўпроқ эътибор билан қараш зарур.

Бухоро область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири депутат **А. Н. Ступников** чорвачиликдаги ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, ем-хашак тайёрлашда ва ундан самарали фойдаланишда ҳосилдорлик ва маҳсулотлилик ошиши учун ҳар бир хўжалик ўз ерини ва сувини ҳисобга олиб, ем-хашак етиштиришнинг ҳар бир усулини ишлаб чиқиши ва ундан самарали фойдаланиш лозимлиги ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси 27 май кечки мажлисда кун тартибидаги иккинчи масалани: Ўзбекистон ССР шаҳарлари, район марказлари, шаҳар посёлкалари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларни қуриш ва ободонлаштиришни яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қила бошлади. Бу масала ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Ё. С. Насриддинова** доклад қилди.

Олий Советнинг шу сессияси муҳокамасига қўйилган масала, дейди докладчи, республикадаги барча аҳолининг ҳаётий манфаатларига тааллуқли масаладир.

Ўзбекистоннинг эришган муваффақиятлари, Совет ҳокимияти йилларида унинг территориясида амалга оширилган социалистик ўзгаришлар республикадаги шаҳарлар, район марказлари, посёлкалар, қишлоқлар, барча аҳоли яшайдиган пунктларни қуриш ва ривожлантиришда яққол ифодаланди. Бу шаҳар ва қишлоқларнинг ҳозирги қиёфаси ўлканинг мустамлака ўтмишидан қолган меросга асло ўхшамайди.

Ҳозир Ўзбекистоннинг географик картасида 37 шаҳар, 86 район маркази, шаҳар типидаги 78 посёлка, 795 қишлоқ совети ва қарийб 18 минг бошқа аҳоли яшайдиган пунктлар бўлиб, ларда ўн миллиондан кўпроқ киши яшамоқда. 40 йил ичида Ўзбекистон ССРнинг шаҳарлари ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктларининг хўжалигини ривожлантиришга давлатимиз 2,7 миллиард сўм капитал маблағ сарфладилар.

Шаҳарларнинг қиёфасида юз берган жуда катта ўзгаришларни республикамиз пойтахти бўлмиш Тошкент мисолида айниқса яққол кўриш мумкин. Тошкент ҳозир мамлакатнинг энг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланган, у йилдан-йилга яхшиланиб обод бўлиб бормоқда. Самарқанд ва Андижон, Фарғона ва Наманган, Бухоро ва Қўқон, Урганч ва Хива каби кўҳна шаҳарлар тубдан ўзгарди ва янги қиёфага кириб, яшарди. Эски шаҳарлар реконструкция қилиниши билан бир вақтда республиканинг Чирчиқ ва Бекобод, Оҳангарон ва Олмалиқ, Янгиер ва Янгиобод, Навоий ва Тахиатош, Янгийўл ва Ленинск каби бутунлай янги индустриал шаҳарлари бунёдга келди ва ривож топди. Илгариги чўл ўрнида Қорақалпоғистон АССРнинг пойтахти ажойиб Нукус шаҳри қад кўтарди.

Шинам уй-жойлар қад кўтаргаи планли кўчалар, мактаб ва касалхоналар, болалар боғчалари ва яслилари, маданият саройлари ва клублар, кино ва телефон, электр ва радио ҳозирги колхоз посёлкаларининг ҳуснидир. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Жиззах районидаги «Москва» ва Буденний номли, Наманган районидаги «Ленинград», Тўрткўл районидаги Димитров номли колхозларнинг, Мирзачўлдаги бир қанча совхозлар ва шу каби бошқа кўпгина хўжаликларнинг посёлкалари ана шундай ҳусндор посёлкалар бўлиб, улар ўзининг қулайликлари ва турмуш шароитлари жиҳатидан шаҳардан фарқ қилмайди, деса, бўлади.

Республикада шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларни қуриш ва қайта қуриш соҳасида катта ишлар қилинди. Лекин, бу ишлар ҳозирги кунининг талабларига жавоб берадими, аҳолининг турмушини янада фаровон қилиш максадида мавжуд имкониятлардан, ажратилган маблағлардан яхшироқ фойдаланиш учун ҳамма чораларни кўраяпмизми? — Ҳозир ана шу масалаларга асосий эътибор берилиши керак, КПСС Программасида обод, қулай, қурилиш ва фойдаланиш учун тежамли шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойлар қуриш учун шаҳарлар қурилиши, архитектура ва планлаштиришнинг катта аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, қуриш ва реконструкция қилиш соҳасидаги ҳамма тадбирлар пухта ўйлаб кўрилган ва яхши ишлаб чиқилган перспектив бош планлар асосида амалга оширилиши керак. Республиканинг барча шаҳарлари, кўпгина район марказлари, колхозлар ва совхозлар етти йилликнинг бошидаёқ бош планлар билан таъминланган эди ва шу йиллар мобайнида бу планларни амалга оширишда анчагина ишлар қилинди. Бош план қуриш ишлари билан шуғулланувчи барча ташкилотлар учун қонун бўлиб қолишига биз ҳали ҳамма жойда ҳам эриша олганимиз йўқ. Баъзи колхозларнинг раҳбарлари қурилиш бош планларини амалга оширишда катта нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области колхозларининг анчагина қисмида бош планлар, планировка ва қуриш схемалари йўқ, кўпгина бошқа қишлоқ хўжалик артелларидаги бош планлар эса, тубдан тузатилиши керак. Бошқа бир қанча областларда ҳам аҳвол ана шундай.

Андижон областининг колхозлари яхши ташаббус кўрсатдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумининг қарорини амалга ошириб, маҳаллий Советларнинг актив иштирокида, колхоз қишлоқларини қуриш, қайта қуриш ва ободонлаштириш юзасидан перспектив ўн йиллик планлар ишлаб чиқдилар ва уларни тасдиқладилар. Андижон области қишлоқ меҳнаткашларининг ташаббусини маъқуллаш ва уни кенг ёйиш керак.

Кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари, маҳаллий партия ва совет органлари, «Узгипрозем» яқин йиллар мобайнида колхоз посёлкаларининг бош планларини тузиб чиқиш ишларини тугаллаш керак, деган масалани жуда тўғри қўймоқдалар. Хуторларни ва майда посёлкаларни тугатиш — биринчи галдаги зарур вазифадир. Бу соҳада иш бошланди ва кўпгина колхозларда муваффақиятли равишда олиб борилмоқда.

КПСС Программасида уй-жой қурилиши вазифаси совет халқининг фаровонлигини оширишнинг энг кескин проблемаси сифатида билан бир қаторда маҳаллий Совет органлари ҳам жавобгардирлар. 1965 йилги план муҳокама қилинаётган вақтда Ўзбекистон ССР Олий Совети уй-жой қурилишига ажратиладиган маблағларни 5 миллион сўмдан зиёдроқ кўпайтирди. Лекин, кўпгина ижроия комитетларининг раҳбарлари планларнинг бажарилишини таъминлай олмадилар.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати кооператив тарзда уй-жой қуришни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдалар. Кредит беришда енгилликлар бериладиган бўлди, бундай қурилишлар учун зарур қурилиш материаллари ажратиладиган бўлди. Лекин кўпгина маҳаллий совет органларида ташкилотчилик ишлари суст уюштирилганлиги, пухта тушунтириш ишлари олиб борилмаётганлиги натижасида кооператив тарзда уй-жой қуриш Ўзбекистонда суст ривожланмоқда. Қурилишнинг сифати ҳали ҳам паст бўлмоқда.

Янги уй-жойлар қуриш билан бир вақтда мавжуд уй-жой фондини яхши сақлашга ҳам эришиш лозим. Ўзбекистон маҳаллий Советларининг ихтиёрида 4,5 миллион квадрат метрдан иборат жуда катта уй-жой фонди бор. Етти йилликнинг олти йили ичида бу фонд 1,6 миллион квадрат метр кўпайди. 1959—1964 йиллар ичида 2 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой майдони, ёки 100 минг квартира ремонт қилинган. Ремонт-қурилиш ташкилотларининг иши яхшиланди, уларнинг техника ва ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланди. Бироқ, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари уй-жойларга қараб туришни ўзларига ўрнашган одат деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумидан кейин маданий-маиший қурилишга эътибор, айниқса, кучайиб кетди.

Шунга қарамай, бунда ҳам ҳамма топшириқлар белгиланган муддатларда бажарилаётир, деб бўлмайди, баъзи жойларда эса, аҳвол жуда чатоқ. Баъзи мактаб қурилиши ишида бирмунча муваффақиятларга эришган бўлсак ҳам, лекин болалар мусассасалари ва касалхоналар қурилиши тўғрисида ана шундай деб бўлмайди. 1960 йилдан бошлаб бу қурилиш объектлари бўйича берилган план бир марта ҳам бажарилмади. Бундай муассасаларни қуриш ишлари Тошкент шаҳрида, Самарқанд ва Тошкент областларида, Қорақалпоғистон АССРда, айниқса, ёмон олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларида қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-маиший шароитларини яхшилашга катта аҳамият берилган. Бу мақсад учун анчагина капитал маблағлар ажратилмоқда. Лекин улардан яхши фойдаланилмаётир. Колхозлардаги қурилишларга раҳбарлик қилишни яхшилаш мақсадида «Узглавколхозстрой» тузилди. 1964 йилда колхозларнинг қурилиш ташкилотлари республика колхозларига 132 минг квадрат метр уй-жой майдонини, кўпгина мактабгача болалар муассасаларини, касалхоналар, клубларни, юзлаб ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топширдилар. Бироқ, республика колхозларида умуман ишлаб чиқариш ва маданий-маиший қурилиш планининг кўпи билан ярмиси бажарилди. Фарғона, Андижон, Самарқанд, областларида бу соҳадаги кўрсаткичлар, айниқса, пастдир. Колхозлараро қурилиш ташкилотларини кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларни техника билан кўпроқ таъминлаш, маблағ билан бир қаторда маҳаллий Совет органлари ҳам жавобгардирлар. 1965 йилги план муҳокама қилинаётган вақтда Ўзбекистон ССР Олий Совети уй-жой қурилишига ажратиладиган маблағларни 5 миллион сўмдан зиёдроқ кўпайтирди. Лекин, кўпгина ижроия комитетларининг раҳбарлари планларнинг бажарилишини таъминлай олмадилар.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати кооператив тарзда уй-жой қуришни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдалар. Кредит беришда енгилликлар бериладиган бўлди, бундай қурилишлар учун зарур қурилиш материаллари ажратиладиган бўлди. Лекин кўпгина маҳаллий совет органларида ташкилотчилик ишлари суст уюштирилганлиги, пухта тушунтириш ишлари олиб борилмаётганлиги натижасида кооператив тарзда уй-жой қуриш Ўзбекистонда суст ривожланмоқда. Қурилишнинг сифати ҳали ҳам паст бўлмоқда.

Янги уй-жойлар қуриш билан бир вақтда мавжуд уй-жой фондини яхши сақлашга ҳам эришиш лозим. Ўзбекистон маҳаллий Советларининг ихтиёрида 4,5 миллион квадрат метрдан иборат жуда катта уй-жой фонди бор. Етти йилликнинг олти йили ичида бу фонд 1,6 миллион квадрат метр кўпайди. 1959—1964 йиллар ичида 2 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой майдони, ёки 100 минг квартира ремонт қилинган. Ремонт-қурилиш ташкилотларининг иши яхшиланди, уларнинг техника ва ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланди. Бироқ, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари уй-жойларга қараб туришни ўзларига ўрнашган одат деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумидан кейин маданий-маиший қурилишга эътибор, айниқса, кучайиб кетди.

Шунга қарамай, бунда ҳам ҳамма топшириқлар белгиланган муддатларда бажарилаётир, деб бўлмайди, баъзи жойларда эса, аҳвол жуда чатоқ. Баъзи мактаб қурилиши ишида бирмунча муваффақиятларга эришган бўлсак ҳам, лекин болалар му

ҲАМИША СЕРГАК

Генерал-майор Константин СЕКРЕТАРЕВ, чегара қўшинлари штаби бошлиғи.

Жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси В. И. Ленин 1918 йил 28 майда Чегара соқчиларини таъсис этиш ҳақида РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг декретига қўл қўйди. Шу вақтдан буён бу кун ҳар йили Советлар мамлакатида Чегарачилар куни сифатида нишонланади.

Совет чегара қўшинлари машаққатли ва айни чоқда шонли йўлни босиб ўтдилар. Чунки уларнинг бутун фаолияти Совет Қурролли Кучлари ва СССР Давлат хавфсизлиги органларининг қаҳрамонона тарихи билан мустаҳкам боғлангандир.

Ёш Совет давлати барпо қилинган дастлабки ойлар эди. Қизил Армия, чегара қўшинлари ҳатто энг зарур бўлган нарсалар — қурол-аслаҳа, уст-бош, озиқ-овқат танқислигига дуч келган эди. Аммо ана шундай оғир шароитда улар давлат чегараларини мустаҳкам қўриқладилар, пролетар мамлакатига халқаро капитал агентурасининг суқилиб киришига йўл қўймадилар, иқтисодий контрабанданинг йўлини тўсдилар, совет гражданлари ва уларнинг мол-мулкини ҳимоя қилдилар.

Гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида чегара қўшинлари Қизил Армия қисмлари ва ВЧК (Бутун-Россия Фавқулодда Комиссияси) органлари билан биргаликда фронтларда Октябрь ғалабаларини қаҳрамонона сақлаб қолдилар ва Петлюра, Махно, Тютюник, муссоватчилар, дашноқларнинг миллатчи тўдаларига қарши курашдилар. Улар ўша вақтда белгиланган чегараларда қуроллари иғвогарликларнинг олдини олдилар, совет территориясига суқилиб кирган бандаларни шафқатсиз яксон қилдилар.

Шимол ва Узоқ Шарқдаги денгиз чегараларида вазият айниқса кескин эди. Камчатка ва Чукотка соҳилларига Америка экспедициялари суқилиб кирган эди. Улар сурбетларча иш тутиб, гўё ўзларининг мамлакатларида юргандек ҳаракат қилардилар. Пузино бурнидаги Эмма кўрфазида биринчи совет чегарачилари қуйидаги сўзлар ёзилган юмолоқ мис белгини кўриб қолдилар: «Қўшма Штатлар соҳилларининг магнит кузатиш ва геодезия ўлчовлари станцияси. Справкалар учун бош кузатувчига, Вашингтонга мурожаат қилинсин. Бу белгига шикаст етказилса 250 доллар штраф олинади ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинади». Белгини чегарачилар Москвага юбордилар, америкаликларни бўлса бу райондан ҳайдаб чиқардилар.

Тинч қурилиш йилларида чегаралардаги вазият аввалгидек жуда мураккаб бўлиб қоларди. Душманлар бутун куч билан мамлакатимизни ривожлантириш планларини амалга оширишда бизга халақит беришга уриндилар. Совет кишиларининг кекса авлоди халқаро империализмнинг 1938—1939 йилларда Хасан кўли ва Халхин-Гол дарёси районидаги иғвогарлик найрангларини, Калелия бўйнида 1939—1940 йиллардаги воқеаларни эсдан чиқармайдилар. Қизил Армия душманга қақшатғич зарба берди. Армия ва флот қўшинлари билан бир сафда чегарачилар ҳам жанг қилиб, мардлик ва жанговар маҳорат намуналарини кўрсатдилар.

Солдат, сержант ва офицерларнинг ажойиб фазилатлари Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида равшан намоён бўлди. 1941 йилнинг унутилмас июнь тонгида совет заставаларига душман ўтлари ёғилди. Чегарачилар биринчи бўлиб фашист Германиясига карши жангга киришдилар. Лекин душман армияларининг СССР чегараларига очиқдан-очиқ суқилиб киришидан илгариёқ чегараларда яширин жанг борарди. Немис ҳарбий разведкаси — «Абвер» СССР ҳақида разведка маълумотлари тўплаш учун ўз фаолиятини кучайтирган эди. Давлат мудофааси органлари билан яқин алоқада ҳаракат қилган чегара қўшинлари герман разведкасининг пайрангларини маълум даражада пучга чиқаришга эришдилар. 1939 йил октябридан 1941 йил февралигача чегарачилар 5 мингга яқин фашист айғоқчиларини ушлаб қолдилар.

Чегарачилар немис-фашист қўшинларининг чегара яқинида тўпланаётганлиги, гитлерчилар агентларининг территориямизга тушириладиганлиги ҳоллари ҳақида, мамлакат ҳаво чегараларининг душман самолётлари томонидан бузилаётганлиги ҳақида ўз вақтида маълумот бериб турдилар. Биргина 1941 йил 1 январидан 20 июнигача 324 марта чегарани бузиш ҳоллари содир бўлганлиги қайд қилинди. Ўшанда жосуслар ва диверсантларга карши курашда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун 384 чегарачи орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

Чегара ўт ичида қолган эди. Заставалар, қишлоқ ва шаҳарлар ёнарди. Чегарачиларга одам сони ва техникаси жиҳатидан бир неча марта устун бўлган душман билан жанг қилишга тўғри келган эди. Фақат отиш қуролигина бўлган чегарачиларимиз душман олдида чўчимадилар. Бутун чегара давомидаги битта ҳам застава бўйруқсиз ўз позициясини ташлаб кетмади. Душман заставани айланиб ўтиб, камал қилиб ва ҳатто унинг шахсий составини батамом яксон қилса-қилардики, лекин уларни таслим қилолмасди.

Лейтенант Ф. В. Морин заставаси қўшинлари душманнинг беш ҳамласини муваффақиятли бартараф қилдилар. Чегарачиларда сўнгги граналаталар қолган вақтда лейтенант Морин омон қолган жангчиларни оёққа турғизиб «Интернационал»ни куйлаб, уларни контратакага бошлади. Уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлди, лекин бир қадам ҳам чекинишмади.

Брест қалъасида лейтенант А. М. Кижеватов бошлиқ застава қўшинлари душман билан мардона курашдилар. 28 июнь тонготарида гитлерчилар қалъага шиддатли штурм қилиш арафасида бошидан ва қўлидан яраланган лейтенант Кижеватов соғ қолган чегарачиларни бир ерга тўплаб шундай деди:

— Сиз қўлингиздан келган ҳамма ишни қилдингиз. Мен ана шундай жангчилар орасида бўлиш, уларга командирлик қилиш шарафига муяссар бўлганлигим билан фахрланаман. Хизматингиз учун раҳмат, ўртоқлар. Ватан жонажон чегаранинг муқаддас еридаги бу ҳаробазорлар орасида жанг қилганларни ҳеч қачон унутмайди.

Дарҳақиқат, Ватан Брест қалъаси мудофаачилари жасоратини унутмади. Фашист Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги байрами кунларида лейтенант А. Кижеватов, чегарачилар Ф. Морин, Г. Рубцов, И. Середа, В. Усов ва бошқаларга ўлимидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони номи берилди, қалъа нинг ўзи эса «Қаҳрамон қалъа» фахрий номи билан тақдирланди.

Чегара қўшинларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жанговар хизматларини Ватан юксак тақдирлади. 13 мингдан ортиқ чегарачи-жангчилар ҳукумат мукофотлари билан тақдирландилар, энг мард чегарачилардан юздан ортиқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак номга сазовор бўлди.

Урушдан сўнг совет чегараларидаги вазият тубдан ўзгарди. Жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши натижасида Советлар мамлакатини ўраган капиталистик қуршов ёриб ташланди. Эндиликда давлат чегарасининг кўпгина кисмида бизнинг қўшиналаримиз — содиқ ўғлларимиз яшайди. Бу социалистик мамлакатлар буюк ва бузилмас дўстлиги, қардошларча ҳамкорлиги чегарасидир. Совет чегарачиларининг социалистик мамлакатлар чегарачилари билан дўстлиги кун сайин мустаҳкамланмоқда. Чегарани қўриқлаш юзасидан кучлар марказлашмоқда, хизмат, жанговар ва сиёсий тайёргарлик тажрибаси алмашинмоқда. Бошқа қўшинлар билан чегара муносабатлари характери ҳам яхшиланди.

Бироқ биз шуни унутмаслигимиз керакки, душман ёвуз ва маккордир. АҚШ бошлиқ империалистик лагерь СССР ва социалистик мамлакатларга карши иғвогарлик фаолиятини активлаштирмоқда. Бизнинг фан ва техникамиз муваффақиятлари қадрига етиб улар ҳар қандай йўллар ва воситалар билан совет илмий-техника сирларини эгаллашга интилмоқдалар. Контрабанда ва пул операциялари воситаси билан СССРга иқтисодий зарар келтиришга уринмоқдалар.

Лекин чегарачилар ҳамиша ҳушёр турибди. Давлат хавфсизлиги органлари билан бирга, совет кишиларининг актив ёрдамида улар Ватанимизнинг мукаддас чегараларини бузишга уринаётганларни ўз вақтида жиловлашга муваффақ бўлмоқдалар. (АПН).

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

СУЮН АКАНИНГ СЕВИНЧИ

Катта асфальт йўлнинг чап томонидаги кафтдек текис майдондаги яшил квадратлар кўзни қувонтиради. Звено бошлиғи Жўра Ҳасанов агрегат рулини моҳирлик билан бошқаряпти. У дамба-дам ортига қараб, культивация қилинган пайкалларга назар ташлайди.

Суюн ака нариги картада ишлаётган иккинчи механизатор — Ҳусан Деҳқонбоевнинг ишини кўздан кечириб қайтар экан, Жўранинг ишини ҳам кўзатмоқчи бўлди. Ҳозиргина культиватор юриб ўтган эгатдан бир сиқим тупроқ олиб, кафтида эзиб кўрди ва «яхши», деб қўйди.

Жўра участка бошлиғини кўриб, тракторини тўхтатди.

— Ҳорма, Жўравой! Чарчамадингми? — сўради Суюн ака.

— Чарчаш нимаси? Айни ишлаб чарчамайдиган давримизку, ахир...

— Балли, ука! — участка бошлиғи хурсанд бўлди. — Мусобақадошинг Ҳасаннинг звеносидан келяпман. Бугун-эрта учинчи парваришни тугаллашмоқчи улар.

Жўра йил бошида Ҳасан Деҳқонбоев билан мусобақалашиб, ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» топширамиз, деб аҳд қилишган эди. Улар ҳар ишда — экишга тайёрланишда ҳам, ерга барака уруғини қадашда ҳам доимо бир-бирларининг ишидан хабардор бўлиб туришди. Мана, икки кунки, вақт тиғизлигидан Жўра мусобақадошининг звеносига ўтолгани йўқ. Ҳозир ҳамкасбининг ишидан хабардор бўлгач суюнди.

— Кеча 7 гектар майдонни қўлдан чиқаргандим, — деди у Суюн акага, — бугун ҳам шундай ишласак, уларга етиб оламиз. Биринчи, иккинчи пар варишда кўндалангига азот, узунасига сульфат аммоний солиб ўғитлагандик. Энди компостдан фойдалансак, нима дейсиз Суюн ака?

— Кеча раис билан маслаҳатлашиб кўрдим, — деди Суюн ака, — қўшимча яна 50 тонна ўғит оладиган бўлдик. Лекин унгача қараб турмаймиз. Компостдан фойдаланаверсак бўлади.

Суюн ака Жўранинг ишидан хурсанд бўлиб, сувчилар ишлаётган картага ўтар экан, каналдаги ҳосил қилди, бу ерда ҳам иш қизғин эди. Саттор Жўраев, Ражаб Шокиров, Алиқул Жўраевлар астойдил ғайрат қилиб, ғўзанинг қониб сув ичишини таъминлаяптилар. Бу азаматлар сувдан тежаб-тергаб фойдаланишяпти.

Бўкадаги Ҳамза номли колхознинг Суюн Абдуллаев бошлиқ участкаси аъзолари ўтган йили катта муваффақиятни қўлга киритдилар. 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан «оқ олтин» олдилар. Участкада техникага ихлос қўйиб ишлангани учун ҳосил таннархи арзонлашиб, даромад анча кўпайди.

Ҳукуматимиз участка бошлиғи Суюн Абдуллаевнинг ташкилотчилиги, меҳнатсеварлигини ҳисобга олиб, муносиб тақдирлади. Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга аҳд қилган бу азаматлар ғўза парваришини намунали олиб боряптилар. Маромида ишлов берилаётган ғўзалар тез ва соғлом ривожланиб, бўйига бўй қўшмоқда.

Т. ҚОСИМОВ.

ҚАРДОШ ШАҲАРЛАР БАЙРАМИ

Бугун Ленин комсомоли номли паркда катта байрам — Киев кунига бағишланган халқ сайли ўтказилади. Қардош Украинанинг шонли пойтахти, унинг ажойиб кишилари, маданияти, санъати, ишлаб чиқариш илғорларининг коммунизм ишига қўшаётган ҳиссаси билан танишмоқчи бўлсангиз шу ерга келинг. Кеч соат еттида паркда Киев шаҳри вакиллари кутиб олинади. Флагштокда Украина ва Узбекистон республикалари байроқлари кўтарилади. Меҳмонлар парк билан танишгач, кемаларда кўл бўйлаб сайр қилишади. Кеч соат саккизда эса байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бошланади. Паркда украин ва ўзбек кийимлари моделлари. Украина графикаси, тасвирий санъати виставкаларини кўришингиз мумкин. Кинолекторийда эса «А. Довженко ижоди» деган темада кеча бўлади. Бадиий ҳаваскорлар, халқ филармонияси артистлари халқ сайли тантаналарини қизитишади.

Тошкентнинг иккинчи сўлим боғи — Тельман номидаги паркда эса Харьков куни ўтказилади.

— Бу кунга пухта тайёргарлик кўрдик,— дейди боғнинг бадиий раҳбари ўртоқ О. Бежанбек.—Бугун эрталаб Харьков шаҳридан махсус рейс билан келадиган делегацияни кутиб оламиз. Меҳмонлар бизга совға тариқасида учта виставка олиб келадилар. Бу виставналар — «Индустриал Харьков», «Тарас Григорьевич Шевченко» ва «Харьков рассомлари» паркда намойиш қилинади. Шунингдек томошабинлар «Харьков бўйлаб сайр» фильмини ҳам кўрадилар. Паркимизнинг 8 та майдончасида қардош шаҳарга бағишланган оммавий халқ сайллари ўтказилади.

ИЛҒОР ЗВЕНО

Бекобод районидаги Даержинский номли колхозда Карим Ҳайдаровни кўпчилик ҳурмат қилади. У уч йилдан бери комплекс механизациялашган звенога бошчилик қилади. Ҳайдаров бошчилик қилаётган звено аъзолари техника ва ернинг қадрига етиб, катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Пахтадан йилдан-йилга мўл ҳосил етиштириб, ўз зиммаларига юклатилган вазифани сидқидил адо этишмоқда. Карим Ҳайдаровнинг ўзи доимо рулда. Ер ҳайдашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган ҳамма ишларда фаол қатнашади.

Шу кунларда звенода иш қизғин. Ўртоқ Ҳайдаров ғўза қатор ораларида ишлашни сифатли олиб боряпти. Муротали Даминов, Султонбой Бозоров каби тажрибали деҳқонлар эса, ғўзани суғоришда бошқаларга ўрнак бўляптилар. Звенонинг ғўзалари боғубор ўсиб, кун сайин бўй чўзмоқда.

Р. ТОЖИҚУЛОВ.

Редактор ўринбосари Т. РАСУЛЕВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ИНДОНЕЗИЯДА САМИМИЙ, ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

ЖАКАРТА, 26 май. (ТАСС) Индонезия Коммунистик партиясининг 45 йиллигини байрам қилишда қатнашиш учун бу ерга келган КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси Калибата миллий қабристонини бориб кўрди ва ўз ватанини озод килишда ҳалок бўлган Индонезия қаҳрамонлари қабрига гулчамбарлар қўйди.

Гулчамбарлар қўйиш маросимида Индонезия Компартияси Марказий Комитетининг раиси Д. Н. Айдит ва партия раҳбарлигининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Бугун КПСС делегацияси Жакарта яқинида жойлашган кишлоқ хўжалик ва деҳқончилик ҳаракати институтида бўлди. Институтга Индонезия Компартияси раҳбарлик қилади. Ш. Р. Рашидов кишлоқ хўжалиги соҳасида КПСС ва Совет ҳукумати амалга ошираётган тадбирлар ҳамда КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари тўғрисида, шунингдек Узбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқлар тўғрисида институт студентлари ва ўқитувчиларига сўзлаб берди. Студентлар ва ўқитувчилар улуғ Ленин партияси вакилларини самимий табрикладилар. Тушдан кейин КПСС делегацияси Индонезия коммунистик ёшларининг байрам карнавалида ҳозир бўлди.

В. НИКОЛАЕВА-ТЕРЕШКОВА БИЛАН А. НИКОЛАЕВ — МХР МЕҲМОНЛАРИ

Космонавт учувчилар Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари В. Николаева — Терешкова билан А. Николаев Монголия Халқ Республиси ҳукуматининг таклифига биноан, Улан-Баторга жўнаб кетдилар.

Космос қаҳрамонлари йўлга чиқиш олдидан ТАСС мухбири билан суҳбатлашиб, биз қардош монгол халқи ҳузурига хурсандчилик билан бораяпмиз, дейдилар. Космонавтлар монгол халқига совет космонавтларидан қизғин салом топширакаларини ҳам айтдилар. (ТАСС).

АГРЕССОРЛАР НИЯТИГА ЕТА ОЛМАЙДИ

Куни кечагина совет матбуотида ТАССнинг АҚШ президенти Л. Жонсоннинг нутқи муносабати билан Баёноти эълон қилинди.

«Озодликка хизмат қилиш» тўғрисидаги гапларнинг ҳақиқатда қандай қиммати борлиги шу нарсадан ҳам кўриниб турибдики, дейилади ТАСС Баёнотида.—АҚШ президентининг ана шу нутқида Американинг Вьетнамдаги агрессияси, АҚШнинг Латин Америкаси, Африка ва Урта Шарқдаги хатарли хуружлари кўкларга кўтариб мақталади.

Ҳолбуки, ўтган йилги президент сайловларида АҚШ демократлар партиясининг раҳбарлари биз тинчлик сиёсатини ўтказамиз, деб сайловчиларни ишонтирган эдилар. Бироқ, сайловлардан сўнг ҳукмрон доиралар халқаро вазиятни кескинлаштиришга олиб борадиган зўравонлик сиёсатини қўллай бошладилар. Кейинги вақтда АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий интервенцияси яна авж олди. Вьетнам Демократик Республикаси территорияси вахшийларча бомбардимон қилиняпти. Лаос шаҳар ва қишлоқлари ўққа тутилмоқда, Камбоджага қарши провокациялар уюштирилмоқда. Ундан ташқари, Конгога америка—бельгиялик парашютчилар группаси туширилди. Америка империалистлари, бу ҳам етишмагандек, Жанубий Америкадаги яна бир мустақил давлат — Доминикана Республикасига қарши қуролли интервенция ташкил қилдилар.

Буларнинг ҳаммаси жаҳоннинг бир неча районида конфликтлар ўчогини аланга олдираётган АҚШ агрессив сиёсатининг бир-бирига чамбарчас боғлиқ звеноларидир.

Шу жиҳатдан олганда президент сайловларида «қутирган»лар номзоди Голдуотернинг қуйидаги гапи жуда характерлидир: «Президент тўғри иш қилаётир, деди у 9 майдаги ўз сўзида, агар мен сайлов олди кампаниясида шу хилдаги ҳаракатларни ёқлаб ташвиқот қилганимда эди, мени бунинг учун осган бўлур эдилар». Бу —АҚШ ҳукмрон доиралари шаънига айтилган зўр ҳақоратдир.

Жонсон ҳукумати Жанубий Вьетнамнинг ички ишларига аралашиш сиёсатини давом эттирди ва Вьетнам Демократик Республикасига қарши ҳарбий хуружларни ҳам бошлаб юборди. Бу агрессияга узоқ вақтдан буён тайёргарлик кўрилган эди. 1964 йил январидаёқ генерал Максуэл Теллор ВДРни бомбардимон қилиш планини президентга ҳавола қилди. Шундан сўнг Вьетнам қирғоқлари томон АҚШ 7-флотининг ҳарбий кемалари йўлга чиқди. Разведка учишлари кўпайди. Жанубий Вьетнамдаги элчи Г. Лодж ўрнига генерал Тейлор тайинланди.

Шу тарзда провокациялар бошланиб кетди. Шимолий Вьетнам денгиз сувлари районида унинг катерлари америка кемалари экранида кўриниши биланоқ, АҚШ қўмондонлиги «Шимолий Вьетнам АҚШ флотига ҳужум қилди» деб ваҳма қилди ва ВДРни бомбардимон қилиш ҳақида буйруқ берди. Америка самолётлари март ойида 18 марта, апрелда эса 98 марта учиш қилди. Биргина 28 апрель куни 14 учиш амалга оширилди.

Мард вьетнам халқи ва унинг армияси бундай хуружларга муносиб жавоб берди. 17 май кунигача зенитчилар 291 америка самолётини уриб туширдилар. СССР ва бошқа тинчлик севар давлатлар Вьетнам Демократик Республикасини қўллаб-қувватладилар.

Лекин агрессорлар бу билан тинчимади. Яқинда Жонсон бутун Вьетнамни, шунингдек, Хитойнинг Тай Са архипелагидаги денгиз районининг бир қисмини АҚШ қуролли кучларининг «жанговар ҳаракатлар райони» деб эълон қилди.

11 май куни эса АҚШ денгиз пиёдасининг 1400 кишидан, иборат еттинчи батальони Жанубий Вьетнамга туширилди. Окинава оролидаги бутун 3-денгиз пиёда дивизияси мард Жанубий Вьетнам халқига қарши ишга солинди.

Яқиндагина, 1961 йилда Жанубий Вьетнамдаги америкалик «маслаҳатчилар» сони 500 киши эди, холос. Ҳозирда эса бу районда ҳарбий хизматчилар сони 48500 кишига етди. Ундан ташқари, 7-америка флотининг 27 минг денгиз пиёда аскари Вьетнам қирғоқлари яқинида немаларда сузиб юрибди.

АҚШнинг ҳарбий харажатлари ҳам тобора ортиб боряпти. Бу йил Шарқи-жанубий Осиёдаги ҳарбий харажатлар учун жамъи 1,5 миллиард доллар сарфлаш мўлжалланган. Бунинг устига май ойи бошида Жонсон Вьетнамдаги операциялар учун кўшимча 700 миллион доллар ажратишни сўраб конгрессга мурожаат қилди. Конгресс бунга рози бўлди.

Ҳозирги вақтда бу районда кўп сонли америка қўшини ва ҳарбий техникаси тўпланган. 500 минг кишилик Жанубий Вьетнам қўғирчоқ армияси ҳам улар хизматида. Бироқ шунга қарамай мард вьетнам халқи урушда кетма-кет муваффақиятларга эришмоқда. Эндиликда Жанубий Вьетнамнинг 10 миллион аҳоли яшайдиган беш-тўрт қисми Миллий озодлик фронти назорати остидадир. Озод этилган районлар қаторига энди айрим қишлоқларгина эмас, балки 8 уезд ва 6 шаҳар ҳам киради.

Миллий озодлик фронтининг халқаро майдондаги обрўси ҳам тобора ошмоқда. Москвада расмий равишда унинг доимий ваколатхонаси таъсис қилинди. Бандунг конференциясининг 10 йиллиги тантаналарига Фронт вакиллари ҳам таклиф этилди.

АҚШнинг ташқи сиёсатини ҳатто унинг шериклари ҳам қўллаб-қувватламаётир. Масалан, НАТОнинг сўнгги сессиясида яна жиддий нелишмовчиликлар юз берди. Бу сессияни ғарб матбуоти «жанжаллар сессияси» ва «нелишмовчиликлар конференцияси» деб атади. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив ҳаракатларидан Франция ҳамда НАТОга кирган баъзи мамлакатлар ҳам қаттиқ норози.

15 май куни Нью-Йоркда АҚШ қуролли кучлари куни шарафига ўтказилган ҳарбий парад бошланиши биланоқ йўл чеккаларида турган минглаб америкаликлар «Вьетнамда одам ўлдиришни тўхтатинг!», «Доминиканэ Республикасидан чиқиб кетинг!» деб талаб қилдилар. Бир неча ўн киши қўшинлар олдига отилиб чиқиб, нўприкка ўтириб олди ва солдатларнинг ҳаракатига тўсқинлик қилди. Парад тўхтатилди.

Ер юзидаги барча холис ниятли кишилар СССР ва барча социализм мамлакатлари вьетнам халқи тарафидадир. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг 23 майдан 30 майгача барча қитъаларда курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафталигини ўтказиш ҳақидаги қарори ҳам бутун прогрессив инсоният хоҳиш-иродасини ёрқин ифодалади. «Вьетнам халқининг адолатли кураши албатта галаба қилади!»— улар шундай демоқдалар.

Е. БЛОК.

Курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафталигига

ПОКИСТОННИНГ ЗАРАР КЎРГАН АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Покистон республикасининг президенти фельдмаршал М. Айюбхонга телеграмма юборди. А. Н. Косигин бу телеграммасида Шарқий Покистоннинг жанубий районларидаги довул орқасида Покистоннинг бошига тушган кулфат муносабати билан Совет Иттифоқи халқи ва ҳукумати номидан чин кўнгилдан ҳамдардлик билдирди. Ана шу довул натижасида мамлакатнинг шу қисмида яшовчи аҳоли анча зарар кўрди.

«Совет ҳукумати,— дейилади телеграммада, инсонпарварлик туйғуларига ва Покистон халқига нисбатан дўстона муносабатларга асосланиб, зарар кўрган аҳолига ёрдам бериш учун дори-дармон, витаминлар, яраларни боғлаш материаллари ва ип газламаларни Покистон ҳукумати ихтиёрига топширишга қарор қилди».

СОВЕТ ОЛИМИГА НИЛЬС БОР НОМИДАГИ МЕДАЛЬ ТОПШИРИЛДИ

КОПЕНГАГЕН, (ТАСС). Бу ерда Дания короли Фредерик IX академик Н. Л. Капицага Нильс Бор номидаги Олтин медални топширди. Дания инженерлар жамияти совет олимининг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш сохасидаги жуда катта муваффақиятлари учун уни ана шу медаль билан мукофотлаган эди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 28 МАЙ 1965 ЙИЛ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Комплекс механизациялаш—пахтачиликни юксалтириш йўли** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 18.40 — **Украина адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари телестудияда.**

19.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.00 — **Узбекистонда Украина адабиёти ва санъати декадаси.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Байрамингиз муборак, чегарачи дўстлар!**, 18.25 — **Ғўзаллик билан учрашув** (ҳужжатли фильм), 18.45 — **Тарих ҳукми** (илмий-оммабоп фильм), 19.15 — **Бензоколонка малинаси** (кинокомедия).

Ўзбек тилида: 20.40 — **Данков химиклари** (телеочерк).

ТЕАТР

УКРАИНА АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

28 майда

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — кеч соат 7 яримда СССР халқ артисти **П. Кармалюк** ва Украина ССР халқ артисти **Е. Мирошниченко** иштирокида **Травиата.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — кеч соат 8 яримда **Украина санъат усталари концерти.**

ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УЙИДА — кундуз соат 5 ярим ва кеч 8 яримда Украина ССР халқ артистлари **Ю. Тимошенко** ва **Е. Березин** иштирокида **эстрада концерти.**

ГОРЬКИЙ НОМЛИ ПАРКДА — кеч соат 9 да **Закарпатье халқ хори концерти.**

КОНСЕРВАТОРИЯДА (катта зал) — кеч соат 8 да пианиночи, Украина ССР да хизмат кўрсатган артист **В. Сечкин концерти.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/V да **Номаълум киши**, 29/V да **Қотил.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 28/V да **Ўғил уйлантириш**, 29/V да **Ёшликда берган нўғил.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 29, 30/V кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 29, 30/V кеч соат 8 да **Узбек давлат филармонияси ва эстрада артистларининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Шиноят дафтарини беринг — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Сўл, Ўнг ва марказ — НАВОИЙ номли. «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Айбдор — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Қўшиқ давом этади — «МОСКВА». «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Суюқ оёқ (кундуз соат 3 да), **Ганга ва Жамна** (кундуз 12, 1, 5 ва кеч 6 да) — «СПУТНИК».

Қўйдим-чиқдим бўлмайди — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 2, 4, кеч 6 ва 9.45 минутда).

Севги деб — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва кеч 6 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 яримда бошланади)

Қўшиқ давом этади — «ФЕСТИВАЛЬ».

Айбдор — КАФАНОВ номли.

Кўр ўғли — «ВАТАН».

Янги Орлеан булбули — «1 МАЙ».

ЧК ходими — «УДАРНИК».

«Америка ғўзали» — ТЕЛЬМАН номли.

Севги деб — НАВОИЙ номли.

Олтин туфли — ПУШКИН номли.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь—34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—31936. Партия турмуши бўлими—26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 03859. Индекс — 64969. Нашр. № 1769.